

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ САНЪАТ ВА МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

“Тасдиқлайман”

Тармоқ маркази директори

_____ **О.А.Хасанов**

“ _____ ” _____ **2015 йил**

**“ЖАМОАВИЙ ВА ЯККА СОЗАНДАЛИКДА ИЖРО
МАЛАКАЛАРИНИ ЎСТИРИШ”
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Малака ошириш курси йўналиши: Чолғу ижрочилиги (турлари бўйича)

Тингловчилар контингенти: Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари

Тошкент – 2015

Мазкур Ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йил 16 июлдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури, ишчи ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

М.К.Ғофуров –доцент

Такризчилар:

Б.А.Мирпаязов –доцент

Ў.Ғ.Тошматов –профессор

Ўқув-услубий мажмуа ЎзДСМИ ҳузуридаги педагог кадрларни Қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази мажлисида маъқулланган (2015 йил ____ - сонли баённомаси).

Модулнинг ишчи ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг 2015 йил 16 июлдаги 4-сонли баённомаси билан маъқулланган ўқув дастури ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Тузувчи:

М.К.Ғофуров – доцент

Такризчилар:

Ў.Ғ.Тошматов – профессор

О.Назаров – доцент

Ишчи ўқув дастури ЎзДСМИ хузуридаги педагог кадрларни Қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази мажлисида маъқулланган (2015 йил ____ - ____ - ____ - сонли баённомаси) .

МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР	5
МАЪРУЗА МАТНЛАРИ.....	21
1-мавзу: Оркестр ва ансамбль ижрочилигида ижро малакаларини ўстириш масалалари (Педагогик технологиялар асосида).....	21
2-мавзу: Жамоа ижрочилигида гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларин ташкил этиш.	26
3-мавзу: Якка тартибдаги машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш...41	
1. Урма мусиқий чолғулар	41
4-мавзу: Ижро техникасини ўстиришда гамма, этюд ва турли машқлардан фойдаланиш.....	59
АМАЛИЙ МАШЎУЛОТЛАР	80
ГЛОССАРИЙ.....	81

ИШЧИ ДАСТУР

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнда “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони эълон қилиниши орқали олий таълим муассасалари педагогларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимининг шу давргача собиқ Совет тизими даврида яратилган тартибига чек қўйиб, янги тизим асосида олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш даврини бошлаб берди. Ушбу тизим замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Мазкур Фармонга кўра янгидан барпо этилаётган тизимда олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари чуқур ўрганилиши, жаҳон тажрибасидаги илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳоратнинг шакллантирилиши, таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллашга тайёрлаш, хорижий тилни амалий жиҳатдан мустаҳкам ўзлаштириш, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари билиш, махсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар кўламини янада кенгроқ ўзлаштириш, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлардан хабардорликни ошириш, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

“Жамоавий ва яқка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” модули бўйича тайёрланган мазкур ишчи дастури таълим ва тарбия жараёнларини

ташқил этиш ва бошқаришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқлари асосида ишлаб чиқилган. Унда чолғу ижрочилигининг анъанавий ва замонавий турларига оид тарихий маълумотлар, шунинг ижрочиликнинг ривожланиш босқичлари билан боғлиқ маълумотларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Жамоавий ва якка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчиларини жаҳон мусиқа ижрочилигидаги жамоавий ижролар ва якка созандалик бўйича яратилган янги услублар ва мактабларнинг илғор тажрибалари билан таништиришдан иборат.

“Жамоавий ва якка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” **модулининг вазифалари:**

- Жамоавий ижродаги жаҳон мусиқасида яратилган янги ижро услубларини ўрганиш ва қўллаш;
- замонавий якка созандаликда пайдо бўлган янги ижро услублари;
- чолғуларнинг тарихи, такомиллашиши, янги турдаги замонавий чолғу жамоаларини ташқил этиш, якка созандаликда яратилган янги шакл ва услубларни олий таълим тизимида татбиқ этишга тингловчиларни тайёрлашдан иборатдир.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Жамоавий ва якка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” курсини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:

Тингловчи:

- жамоавий ижрода замонавий услубларни қўлланилиши;
- якка созандаликда замонавий услубларни ва кейинги даврда яратилган янги мактаблар ютуқ ҳамда камчиликларини чуқур ўрганиши;
- мусиқий жамоалар ва якка созандаларнинг анъанавий ва замонавий ижодий фаолияти;
- якка ижрочи созандалар тайёрлашда энг ривожланган давлатларнинг илғор таълим тизимлари, таълим технологиялари ҳақида **билимларга эга бўлиши;**

Тингловчи:

- ўз касбий фаолиятида дунё халқлари жамоавий ижрочилигида эришилган энг илғор услублар билан боғлиқ билимларни қўллай олиши;
- якка созандаликда жаҳон созандаларининг ижро маҳорати ва уларининг асосий ютуқларини чуқур ўрганиши;
- жамоавий ва якка созандалик таълимидаги жаҳон тажрибаси, уларнинг ривожланиш истикболлари, мавжуд муаммолар ва уларнинг бартараф этиш чора-тадбирларини таҳлил қилиши;
- якка созандаликдаги энг керакли таълим ресурсларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш **кўникмаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- жамоавий ва якка ижро маҳоратини ўстириш билан боғлиқ ўқув-услубий кўрсатмалар ишлаб чиқиши;
- созандалик йўналиши бўйича Ўзбекистон ва жаҳоннинг энг сара мусиқий жамоалари ва якка созандаларининг ютуқларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва улар эришган ютуқларни амалда қўллай билиши;
- созандалик санъати ижрочилигининг тараққиёти ва янги ижро услубларини ўзлаштиришга оид муаммоларни аниқлаши;
- чолғу ижрочилиги борасидаги жаҳонда эришилган ютуқларни таълим тизимига татбиқ этиш борасида олиб борилган тадқиқотларни ҳар томонлама таҳлил этиши;
- якка созандалик бўйича жаҳон мусиқа маданиятида эришилган

ютукларни ўзлаштириш орқали олий таълим соҳаси учун фойдали таклифлар бериши;

- жамоавий ва якка созандалик бўйича эришилган ютуқларни тарғиб этиш билан боғлиқ ёзма, аудиовизуал манбаларни баҳолаш ва умумлаштириш **малакаларини эгаллаши;**

Тингловчи:

- жамоавий ва якка созандаликда эришилган ютуқлар билан боғлиқ янги маълумотлар базасини яратиш ва шу асосида ўқув жараёнини ташкил этиши;

- маҳаллий ва жаҳон тажрибаси асосида олинган янги билимлар асосида таълим ва тарбия жараёнини бошқариши;

- якка созандалик йўналиши бўйича Ўзбекистонда ва жаҳонда эришилган ютуқларга суянган ҳолда хулосалар бериши;

- курс давомида янгидан ўзлаштирилган маълумотлар асосида жамоавий ва якка созандаликни бўйича таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиши;

- тизимли равишда фаолият тавсифидаги **компетенцияларни эгаллаши лозим.**

Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар

“Жамоавий ва якка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан, шунингдек анъанавий ва замонавий мусиқа чолғуларидан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий ҳужум, гуруҳли фикрлаш, кичик гуруҳлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, анъанавий ва замонавий чолғуларда

ижрочилик малакаларини шакллантириш ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Жамоавий ва якка созандаликда ижро малакаларини ўстириш” модули мазмуни ўқув режадаги “Чолғу ижрочилиги тарихи ва тараққиёти” ва “Чолғу ижрочилигида жаҳон тажрибаси” ўқув модули билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим ва тарбия жараёнларида жамоавий ва якка созандалик ижро малакаларини ўстириш борасида эришилган ютуқлар билан боғлиқ маълумотларни ўзлаштириш, уларни таҳлил этиш, илғор ютуқларни амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий компетенцияга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси			Мустақил таълим
			жумладан			
			Жами	Назарий	Амалий машғулот	
1.	Оркестр ва ансамбль ижрочилигида ижро малакаларини ўстириш масалалари.	4	4	2	2	-
2.	Жамоа ижрочилигида гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш.	4	4	2	2	-
3.	Якка тартибдаги машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш.	4	4	2	2	-
4.	Ижро техникасини ўстиришда гамма, этюд ва турли машқлардан фойдаланиш масалалари.	4	4	2	2	-
5.	Ижро малакаларини ўстиришда репертуар танлаш ва талабаларга якка ёндошув масалалари.	2	2	-	2	-
6.	Ижро малакаларини ўстиришда замонавий ахборот воситалари, аудио ва видео ёзувлардан фойдаланиш йўллари.	4	2	-	2	2
	жами	22	20	8	12	2

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: Оркестр ва ансамбль ижрочилигида ижро малакаларини ўстириш масалалари.

Режа:

1. Жамоавий ижрода анъанавий услублар.
2. Жамоавий ижрода замонавий услубларни қўллаш.
3. Ижро малакаларини ўстиришда жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш.

Ўзбек халқ чолғуларини такомиллаштириш ва замонавий мусиқада қўллаш бўйича тажрибалар. Ўзбек халқ чолғуларининг жаҳон мусиқа маданияти ривожига тутган ўрни. Европа ва жаҳон халқлари чолғуларининг ўзбек халқ чолғуларидан ташкил топган бадиий жамоаларда самарали фойдаланиш йўллари. Чолғу ижрочилигининг ривожланиши ва ижро услубларининг такомиллашувида халқаро танлов ва фестивалларнинг ўрни. Ижро малакасини ўстиришда бошқа халқларда тарқалган услублардан самарали фойдаланиш. Жаҳон этник ва миллий чолғуларида яратилган янги ижро услубларини таҳлил қилиш ва таълим тизимига татбиқ этиш масалалари.

2-мавзу: Жамоа ижрочилигида гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларни ташкил этиш.

Режа:

1. Гуруҳли машғулотларин режалаштириш ва ташкил этиш.
2. Якка машғулотларни ташкил этиш.
3. Такимиллаштирилган ва қайта ишланган мусиқа чолғуларининг жаҳон мусиқа маданияти ривожигаги ўрни.

Гуруҳли машғулотларни ташкил этишда жаҳоннинг етакчи бадиий жамоалари қўллаётган услублардан фойдаланиш. Дамли чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Дунё халқларининг бадиий жамоалари фаолиятини тарғиб этиш етук мутахассисларнинг ўрни. Жамоавий

ижрочиликни тарғиб этишда замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш. Миллий чолғуларини такомиллаштиришда ва тарғиб этишда чолғу ижрочилари бирлашмалари ва уюшмаларининг роли. Анъанавий чолғулардан таълим тизимида ва профессионал ижрочилик фойдаланиш масалалари. Кам қўлланилаётган миллий чолғулар, жамоавий ижрода улардан самарали фойдаланиш ва таълим тизимида киритиш масалалари. Халқ чолғулари оркестрларида фойдаланиладиган чолғуларни такомиллаштириш тажрибалари. Чолғуларни такомиллаштиришда овоз кучайтириш мосламалари имкониятларидан фойдаланиш услублари. Классик ва замонавий чолғуларни такомиллаштириш орқали уларни халқ чолғулари ансамбллари ва оркестрларида фойдаланиш масалалари.

3-мавзу: Якка тартибдаги машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш.

Режа:

1. Якка дарсларни режалаштириш.
2. Якка дарсларни ташкил этишда замонавий ахборот ва педагогик технологияларидан фойдаланиш.
3. Талабалар билимини назорат қилиш ва адолатли баҳолаш.

Якка дарсларни ўтказиш жараёнига тайёргарлик кўришда аввало уни мақсадли режалаштириш. Режалаштирилган ҳар бир ишни самарали амалга ошириш. Айниқса якка машғулотларни ташкил этишда ва олиб боришда замонавий педагогик технологиялардан унимли фойдаланиш. Машғулотларини ўтказишда ахборот технологияларидан фойдаланиш орқали талабаларда машғулотларга бўлган иштиёқни янада кучайтириш. Ўзбекистондаги етакчи мутахассислар ва жаҳон тажрибаларидан фойдаланиш. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари таълим тизимида кенг қўлланилаётган услубларни доимий кузатиш, ўрганиб бориш ва амалда қўллаш ҳамда фойдаланиш масалалари.

4-мавзу: Ижро техникасини ўстиришда гамма, этюд ва турли машқлардан фойдаланиш масалалари.

Режа:

1. Гамма ва арпеджиоларнинг ижро техникасини оширишдаги роли.
2. Этюдларни ижро этиш орқали ижро техникасини ривожлантириш ва бадийликка эришиш масалалари.
3. Техник жиҳатдан мураккаб асарларни ижро этишда замонавий услублардан фойдаланиш самаралари.

Гаммаларни квинта ва кварта давраси асосида босқичма-босқич ўрганиб бориш. Уларни бутун, яримталиқ, чоракталиқ, саккизталиқ, ўнолтиталиқ, ўттизикиталиқ, олтмишўртталиқ ноталар билан ижро этиш. Аввало оғир темпда, кейин ўрта темпда, сўнгра эса тез темпларда ижро этиш кўникмаларини ҳосил қилиш. Ижро учун этюдларни танлашда талабалар имкониятларини ҳисобга олиш. Этюдлар орқали ижрода бадийликка эришиш. Ҳар бир талаба учун алоҳида машқлар ишлаб чиқиш. Ижро техникасини ўстиришда гамма, этюд ва турли машқлардан фойдаланишда замонавий услублардан фойдаланиш масалалари.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки мавзулар бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйида келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма

манбалар, кўшимча воситалар, шунингдек музика чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

Мавзу: Ижро малакаларини ўстиришда репертуар танлаш ва талабаларга яқка ёндошув масалалари.

Режа:

1. Европа классик музикаси тарғиботида симфоник оркестрларнинг ўрни.
2. Этник чолғулардан ташкил топган ансамбллар ва оркестрларнинг миллий музика тарғиботидаги аҳамияти.
3. Жаҳон халқлари чолғу жамоалари репертуарини ўрганиш, таҳлил қилиш ва таълим тизимида фойдаланиш масалалари.

Мавзу: Ижро малакаларини ўстиришда замонавий ахборот воситалари, аудио ва видео ёзувлардан фойдаланиш йўллари.

Режа

1. Урма чолғу яққанавозлари ва урма чолғулардан ташкил топган ансамбллар.
2. Урма чолғулардан замонавий музика ижрочилигида фойдаланиш истиқболлари.
3. Урма чолғуларда эришилган ижро техникасидан музикавий таълим тизимида самарали фойдаланиш масалалари.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ

Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- тарихий манбалардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида мавзуларни ўрганиш;

- жаҳон музикавий таълим тизимида, янгидан ташкил этилаётган чолғу жамоаларида фойдаланилаётган чолғуларни ўзбек чолғулари билан таққослаш асосида хулосалар чиқариш;

- эълон қилинган танқидий материаллар асосида мустақил қарор қабул қилиш устида ишлаш;

- жаҳон мусиқа маданиятида жамоавий ва якка созандалик ижрочиликдаги янгидан пайдо бўлган услубларни таълим тизимига татбиқ этиш жараёнига ўз муносабатини ёзма баён этиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992. -22 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1996. Т.1. -364 б.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. –Т.: Ўзбекистон, 1994. Т.2. -380 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. –Т.: Ўзбекистон, Т.3. 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. –Т.: Ўзбекистон, 1997. Т.5. -384 б.
7. Каримов И. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. Т.7.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. Т.8. -528 б.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. –Т.: Ўзбекистон, 2001. Т.9. -439 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. – Т.: Ўзбекистон, 2002. Т.10. -432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т.: Ўзбекистон, 2003. Т.11. -320 б.
12. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. –Т.: Ўзбекистон, 2005. -64 б.

13. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, Т. 15. -126 б.

14. Каримов И.А. Мамлакатимиз тараққиёти ва халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш – барча демократик янгиланиш ва иқтисодий ислохотларимизнинг пировард мақсади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.

15. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. - 176 б.

16. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгиланишни изчил давом эттириш – давр талаби // “Халқ сўзи” гезатаси 2009 йил 14 февраль.

17. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. // Ўзбекистон овози 2010 йил 28 январь.

18. Каримов И.А. Жаҳон инқирозининг оқибатларини енгиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва тараққий топган давлатлар даражасига кўтарилиш сари. –Т.: Ўзбекистон, 2010. Т.18. -280 б.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябрь.

II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. (Ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрдаги, 2003 йил 24 апрелдаги, 2007 йил 11 апрелдаги, 2008 йил 25 декабрдаги, 2011 йил 18 апрелдаги, 2011 йилдаги 12 декабрдаги, 2014 йил 16

апрельда қабул қилинган қонунларига мувофиқ киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) –Т., 2014.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.

3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 2 ноябрдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1426-сонли Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533- сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ–4456-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365- сонли Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида”ги № 343 сонли Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта

тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 31 декабрдаги “Республикада муסיқий таълимни, маданият ва санъат ўқув юртлари фаолиятини яхшилаш тўғрисида”ги ПФ-1692-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 16 апрелдаги “Тошкент давлат консерваториясини Ўзбекистон давлат консерваториясига айлантириш тўғрисида”ги ПФ-3052-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар муסיқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-910-сонли Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги “2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 222-сонли Қарори.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

III. Махсус адабиётлар.

1. Вахромеев В. Музиканинг элементар назарияси – Т.: Ўқув қўлланма. 1980.- 223 б.

2. Йўлдошев Т. Уд дарслиги. - Т.: Дарслик. 2008. – 346 б.

3. Одилов А. “Чанг” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 285 б.

4. Раҳимов Ш. Чолғу ижрочилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.

5. Усмонов Қ. “Рубоб дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 312 б.

6. Шарипов Н. “Рубоб примада ижро этишни ўрганиш методикаси” - Т.:

Дарслик, 2002. – 295 б.

7. Зупарова Ф. “Ансамбль синфи” – Т.: Ўқув қўлланма, 2010. – 93 б.
8. Гапуров М. “Оркестр синфи” - Т.: Ўқув қўлланма, 2011. – 111 б.
9. Гапуров М. “Ансамбль синфи” - Т.: Ўқув қўлланма, 2011. – 70 б.
10. Акбаров И. “Муסיқа луғати” - Т.: Луғат, 1997. – 383 б.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.ziynet.uz
2. www.edu.uz
3. www.infocom.uz
4. www.learnenglishkids.britishcouncil.org/en/
5. www.learnenglishteens.britishcouncil.org/
6. www.learnenglish.britishcouncil.org/en/
7. www.gov.uz
8. www.lugat.uz
9. www.conservatory.uz
10. www.bimm.uz
11. www.uzdsmi.uz
12. www.uzdsmimarkaz.uz
13. www.classicmusic.uz

МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

1-мавзу: Оркестр ва ансамбль ижрочилигида ижро малакаларини ўстириш масалалари (Педагогик технологиялар асосида).

Режа

- 1. Педагогик технология ва унинг моҳияти.**
- 2. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланиш самаралари.**
- 3. Ижро малакаларини ўстиришда асосий омиллар.**

Таянч иборалар:

1. Минор ладлари.
2. Мажор ладлари.
3. Уч товушликлар.
4. Пауза.
5. Пентатоника.
6. Динамик белгилар.
7. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “До”.
8. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Р”.
9. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Ми”.
10. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Фа”.
11. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Соль”.
12. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Ля”.
13. Ҳарфий кўрсаткич бўйича “Си”.
14. Трель
15. Мордент
16. Форшлаг

Ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб тарбиялаш, уларни камолот сари етаклашда тарбиянинг бошқа воситалари қатори муסיқий тарбия ҳам алоҳида ўрин тутди. Муסיқа санъати ўзининг бетакрор сеҳри билан ёшлар маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилади. Зеро, куй ва оҳанг таъсирида ҳиссиётнинг ўткирлашуви, идрок ва тафаккурнинг шаклланиши, эзгуликка интилиш куртакларининг барг ёзиши, гўзалликни севиш, она табиатни асраш, жонажон Ватан равнақи учун хизмат қилиш истагининг тобора ортиб бориши ҳеч биримизга сир эмас. Мустақиллик йилларида улуғ боболаримизнинг анъаналарини давом эттирган ҳолда, мамлакатимизда муסיқа санъатини ривожлантиришга қаратилган дастурлар, режалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилмоқда. Жумладан, мумтоз муסיқий меросимизни асраб-авайлаш ва ўрганиш, уни келажак авлодларга безавол етказиш мақсадида Республикамизда кўплаб кўрик-танловлар, нуфузли халқаро муסיқа анжуманлари мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Республикамизда болалар муסיқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада яхшилаш бўйича Давлат Дастури асосида 2009-

2014 йилларда амалга оширилган ишлар, музика ва маданият ҳамда санъат лицей ва коллежларнинг ташкил этилиши, Ўзбекистон Давлат консерваторияси биносининг замонавий аснода қурилиши, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институтининг ташкил этилиши каби улкан ишлар, айниқса давлатимиз раҳбари томонидан бизнинг соҳамиз ривожига бўлаётган алоҳида эътибор буларга яққол далил бўла олади.

Музика маданияти тўғрисида Президентимиз И.Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида куйидаги фикрларни билдиради: *“Барчамизга аёнки, куй-қўшиққа, санъатга муҳаббат, музика маданияти халқимизда болаликдан бошлаб, оила шароитида шаклланади. Уйида дутор, доира ёки бошқа чолғу бўлмаган, музиканинг ҳаётбахш таъсирини ўз ҳаётида сезмасдан яшайдиган одамни бизнинг юртимизда топиш қийин, десак муболаға бўлмайди. Энг муҳими, бугунги музика санъати навқирон авлодимизнинг юксак маънавият руҳида камол топишида бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ ва кучлироқ таъсир кўрсатмоқда”*.

Юқорида келтирилган бундай юксак таъриф ўқитувчи ва мураббийлар олдига ёшларни ватанга садоқат, маънавий-маданий бойликларга, кадриятларимизга садоқат, хурмат руҳида тарбиялашга қаратилган ишларни амалга оширишда масъулиятли вазифани кўяди.

Шу мақсадда бугунги кунда таълимнинг самарадорлигини ошириш, шахснинг таълим марказида бўлишини ва ёшларнинг билим олишларини таъминлаш учун таълим муассасаларига ўз соҳаси бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш, шу билан бирга замонавий педагогик технологияларни биладиган, улардан ўқув-тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдаланиш қоидаларига амал қиладиган педагог кадрларнинг кераклиги давр талабига айланди. Бунинг учун барча фан ўқитувчилари, жумладан, музика таълим соҳасидаги педагоглар ҳам интерфаол усуллар, педагогик технологиялар билан қуролланишлари, ўз билимларини ўқув машғулотларида қўллаш малакаларига эга бўлишлари лозим.

Республикамизда бошқа фанлар қаторида музика таълим ва тарбияни тизимли шакллантиришда ҳам бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Музика таълими самарадорлигини оширишда, талабаларнинг музика таълимга бўлган қизиқишларини ўстиришда ўқитувчининг ўрни катта. Музика ўқитувчиси ўз касбига меҳр қўйган, юксак маданиятли, изланувчан ва кенг дунёқарашга эга бўлган шахс бўлиши керак. Шу билан бирга музика санъатининг назарий ва амалий соҳаларида етарли даражада билим ҳамда тажрибага эга бўлиши, дарсни қизиқарли усулларда олиб бориши зарур.

Мустақиллигимизнинг илк кунларидан бошлаб таълимни ислоҳ қилиш, уни жаҳон андозаларига мослаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997-йил 28-август IX сессиясида қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги қонун”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни дунёнинг ривожланган давлатлар таълим тизими даражасига етказиш ва ёш авлодни юксак маънавий, ахлоқий ва чуқур билимларга эга қилиб тарбиялашни

мақсад килиб қўйди.

Президентимиз Ислон Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ўқитувчи ва мураббийларнинг шарафли меҳнатига баҳо бериб, шундай фикр билдиради: ***“Барчамизга аёнки, инсон қалбига йўл аввало таълим-тарбиядан бошланади. Шунинг учун қачонки бу ҳақда гап кетса, аجدодларимиз қолдирган бебаҳо меросни эслаш билан бирга, оналаримиз қатори биз учун энг яқин бўлган яна бир буюк зот-ўқитувчи ва мураббийларнинг олижаноб меҳнатини ҳурмат билан тилга оламиз.”***

Бугунги ўқитувчи-келажак бунёдкори, педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқодчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчисидир. Ушбу сифатлар ҳақли равишда мусиқий таълим ўқитувчиларига ҳам тааллуқлидир. Мусиқий машғулотларнинг бошқа фанлар бўйича ўтказиладиган машғулотлардан фарқи шундаки, улар асосан амалий ва яқка тартибда ўтказилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ўқитувчи педагогик технологияларнинг қай биридан унумли фойдаланиш яхши самара беришини билиши керак.

Педагогик технология нима ва унинг моҳияти нимадан иборат? Бу саволга жавоб топиш учун педагогика соҳасига муносиб ҳисса қўшган тадқиқотчи олимлар томонидан берилган таърифларга тўхталишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Б.Лихачевнинг фикрича: “Педагогик технология – психологик ва педагогик ўғитлар йиғиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуллар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради”.

В.П. Беспалько фикри: “Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси”.

И.П. Волков: “Педагогик технология–режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи”.

В.М. Шепель: “Технология–ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йиғиндиси”.

М.В.Клариннинг фикрича: “Педагогик технология–педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йиғиндиси ва тартибини билдиради”.

Жаҳонда тан олинган педагог-дидактикачиларнинг фикрича, энг тўғри талқин **ЮНЕСКО томонидан берилган қўйидаги талқиндир:**

“Педагогик технология–бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги ҳаракатлари воситасида

яратиш, тадбиқ этиш ва белгилашнинг изчил методидир”.

Бу таърифлар таҳлилидан педагогик технология натижани қўлга киритиш учун таълим доирасида зарур бўлган воситалар тизимини режалаштириш ва тадбиқ этиш деган хулосага келиш мумкин.

Биз мавжуд педагогик технологияларнинг айримларини жамоавий ижро малакаларини ўстиришда қўллаш учун мослаштирдик. Бу усуллардан жамоавий ижрога тегишли, айниқса, “Ансамбль синфи” ва “Оркестр синфи” каби машғулотларда фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Чигил ёзди

Машғулот бошланишида бу усул асосида талабаларни асар мазмунига қараб руҳий тайёрлаш ва уларнинг диққатини амалий машғулотга тезроқ жалб қилиш, яъни тез киришиб кетишлари учун қўлланилади. Бу усул орқали ўқитувчи машғулот бошланишида мусиқий асардан парчалар ижро этиб беради, асар билан боғлиқ қизиқарли маълумотларни (яратилиш тарихи, ижро этган жамоалар, яккахонлар ва шу қабилар хусусида) гапириб беради. Натижада талабаларнинг кайфияти кўтарилади ҳамда асарни ўрганишга бўлган қизиқишлари ортади. Бу эса ўз навбатида асарни тезроқ ўрганишларига йўл очади.

Мақсад: асар мазмунини тушуниб ижро этиш.

Баҳс-мунозара

Алоҳида дарс кўринишида бўлиб, ўтилган мавзуга (асар, куйга) доир баҳсли, тортишувли муаммоларни икки гуруҳга бўлиниб ҳал этилиши. Бу усулни қўллаган ўқитувчи талабаларни икки гуруҳга ажратади. Биринчи гуруҳ “тарафдорлар”, иккинчи гуруҳ “қаршилар”. Ўртада тайинланган бошловчи баҳсни мувозанатга солиб туради. Гуруҳ аъзолари навбат билан чалинган ёки эшитилган асар, куй тўғрисида ўз тушунчаларини, мулоҳазаларини баён қиладилар.

Мақсад: Талаба, яъни бошловчини ансамбль билан ишлашга, баҳолашга, қарор чиқаришга ўргатиш.

Занжир машқи

Талабалар машғулот пайтида ўрганилаётган мусиқий асар тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлишларига ёрдам беради. Бу усул асарни қисмларга бўлиб, навбатма-навбат ижро этишлари орқали яхлит кўринишда умумлаштириш усули.

Масалан:

1-талаба: Бастакорнинг таржимаи ҳоли

2- талаба: Бастакорнинг ижодий фаолияти

3- талаба: Асар мазмуни, ўлчови, темпи, усули ҳақида фикрини баён этади

4- талаба: Ўрганилган асарни бир қисмини ижро этади

5- талаба: Асарни давом эттиради

6- талаба: Асарга ритмик жўр бўлади ва ҳоказо.

Мақсад: Талабаларда асарнинг ўқитувчи томонидан танланган маълум бир қисмини ижро этиш малакасини ривожлантириш.

Изоҳ: “Занжир машқи” усули асарнинг талабалар томонидан тўлиқ ўзлаштирилган ҳолда қўлланилгани мақсадга мувофиқ бўлади.

Ижодий иш

Талабаларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришга қаратилган, эстетик дидларини шакллантирадиган услуб. Бу услубда талабаларнинг дарсдан бўш пайтларида мустақил ўрганган мусиқий асарлари тингланиб, дарс жараёнида ўқитувчи томонидан назарий ва амалий кўрсатмалар берилади.

Мақсад: Талабага мустақил ишлашни ўргатиш.

Йўналтириш

Талабага йўналтирилган ёндошув услубидаги янги технология бўлиб, ўзлаштириш қийин бўлган мусиқий асарни ўрганишда талабанинг ўзини ишлатиш ва хатоларини тўғрилаб боришдир. Мазкур усулни қўллаган ўқитувчи талабага мусиқий асарни ижро этиб бериб, кейин мустақил равишда асарни ижро этишга ва мазмунини тушуниб олишларига имкон беради. (Асар ҳақида тушунчасини билиб олади) *(П.И.Чайковский “Баркаролла” асари мазмунини билган талаба унинг моҳиятини тушунади.)*

Мақсад: Талабани нота матни орқали ишлашга, асар мазмунини тушуниш ва тушунтириб беришга ўргатиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, педагогик технология-ўқитувчини таълим-тарбия жараёнининг мақсадидан бошлаб, ташҳис тизимини тузиш ва бу жараён кечишини назорат қилишгача бўлган технологик занжирни олдиндан лойиҳалаштириб олишга ундайди.

Ўқитувчи талабанинг мақсаддан натижага эришишида хизмат қиладиган услубни танлаши, уни қўллашни белгилаб олиши керак. Чунки ҳар иккала томоннинг асосий мақсади бир, яъни аниқ натижага эришишга қаратилган.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Педагогик технология бўйича олимлар фикрини айтинг ?
2. ЮНЕСКО томонидан педагогик технологияларга берилган таъриф нимадан иборат ?
3. Чигил ёзди усулининг мазмуни.
4. Баҳс-мунозара усулининг мақсади.
5. Занжир машқи усулининг моҳияти.
6. Ижодий иш услуби.
7. Йўналтириш услуби ҳақида сўзлаб беринг ?

Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
2. Ишмухамедов Р. Таълимда инновацион технологиялар. - Т.: Истеъдод, 2008.
3. Раҳимов Ш. Чолғу ижрочилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
4. Зупарова Ф. “Ансамбль синфи” – Т.: Ўқув қўлланма, 2010. – 93 б.
5. Гапуров М. “Оркестр синфи” - Т.: Ўқув қўлланма, 2011. – 111 б.
6. Гапуров М. “Ансамбль синфи” - Т.: Ўқув қўлланма, 2011. – 70 б.
7. Акбаров И. “Муסיқа луғати” - Т.: Луғат, 1997. – 383 б.

2-мавзу: Жамоа ижрочилигида гуруҳли ва якка тартибдаги машғулотларин ташкил этиш.

Режа

1. Чолғу гуруҳлари билан ишлаш услублари.
2. Якка тартибда ишлаш йўллари.
3. Профессинал жамоалар билан ишлаш.

Таянч иборалар:

1. Кучсиз динамик белгилар.
2. Тез темплар.
3. Мелодик минор.
4. Фригий лади.
5. Соф кварта.
6. Терция.
7. Соф квинта.
8. Октава.
9. Септаккорд.
10. Унисон.
11. Тоника.
12. Субдоминанта.
13. Доминанта.
14. Медианта.
15. Ансамбль.
16. Аккорд.
17. Гармоник мажор.
18. Moderato.
19. Allegro.

20. Lento.
21. Presto.
22. Субмедианта.
23. Катта терция+кичик терция.
24. Кичик терция+катта терция.
25. Катта терция+катта терция.
26. Кичик терция+кичик терция.

Ўзбек миллий муסיқа мероси жуда бой ва ранг-барангдир. У қадимдан авлоддан-авлодга оғзаки тарзда устоз ва шогирд анъаналари орқали ўтиб ривожланиб келди. Ривоятларда келтирилишича, Танбур, Дутор, Най, Ғижжак чолғулари тўртта фаришта, яъни элчи фаришта Жаброил, оламни ҳаракатлантирувчи фаришта Микоил, охиратда карнай чалувчи бўрон фариштаси Исрофил, жон олувчи фаришта Азроилларнинг Одам Ато танасига жон киритишдаги сайи-ҳаракатлари туфайли вужудга келгандир. Созанда ва меҳтарлик рисолаларида қайд этилишича, улар жаннатдан “дур”, яъни тут ёғочини олиб чиқиб чолғуларни ясаган эканлар.¹ Манбаларга таянадиган бўлсак қадимги Сўғдиёнлар маданиятига оид Айртам матосига солинган суратда бир неча муסיқачи тасвирланган. Уларнинг қўлларидаги найсимон, пуфлаб чалинадиган асбоб, арфага ўхшаш торли чолғу асбоби, чўзинчоқ шаклдаги икки томонлама ноғораларга қараб Сўғдлар муסיқий чолғуларнинг асосий хилларини билганлари ва бу чолғулардан якка ҳолда ҳамда ансамбль шаклида фойдаланганликларини билиб олишимиз мумкин.

Афсуски, бизнинг муסיқий чолғуларимиз ҳақидаги айрим энг қадимий ёзма манбалар бизгача етиб келмаган. Улар араб истильоси ва муғул босқинлари даврида ёндириб юборилган. Манбаларда келтирилишича, археологларнинг қидирув ишлари натижасида Мароқанда (Қадимий Самарқанд), Хоразм, Бактриядан топилган қазилма бойликлар орасида катталиги 9-10 сантиметр бўлган лойдан, гилдан пишириб ясалган муסיқачиларнинг ҳайкалчалари топилганлиги (эрамиздан олдинги II аср-эрамизнинг III асри) аждодларимизнинг муסיқий маданияти ниҳоятда ривожланганлигидан далолат беради.

Ўрта асрларга келиб вокал муסיқаси анча ривожланди. Ўша даврларда яратилган муסיқага оид рисолаларда вокал муסיқага санъатнинг энг муҳим шакли деб урғу берилган бўлса-да, ўз навбатида чолғу муסיқасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Машҳур бобокалонимиз, буюк мутафаккир олим Абу Наср Ал-Фаробийнинг «Китоб ал-муסיқий ал-Қабр» асарида *«чолғу муסיқа ашулага жўр бўлади ёки овозга тақлид қилади, уни бойитади ҳамда ашуланинг бошланғич муסיқасини ва ораларидаги чолғу қисмини ҳосил қилади. Бу эса ашулачига дам беради. Айни вақтда улар ашулачининг овози етмайдиган жойларини бўрттириб муסיқани*

¹ Б. Матёкубов. Хоразм дostonларининг муסיқий хусусиятлари . Муסיқа ижодиёти масалалари. Т.; 1997, 31-32 бетлар.

бойитади» деган фикрлар баён этилади. Ал-Фаробий чолғу асбоблари икки вазифани бажариши ҳақида ёзади: биринчиси, ашуланига жўр бўлиши, иккинчиси яққа ҳолда ижро этилишидир. Чолғу асбобларининг бу хилдаги вазифалари ҳозирги давримизга қадар сақланиб келмоқда. Фаробийнинг фикрича, киши овозига тақлид қила оладиган чолғулар энг мукамал чолғулар деб ҳисобланган. Бу ўринда у рабаб (ҳозирги ғижжак) ва сурнай (ҳозирги най) чолғуларини алоҳида таърифлайди. Буюк олим Абу Али ибн Сино (980-1037) ўз даврининг мусиқа чолғуларини икки, яъни торли ва пуфлаб чалинадиган гуруҳларга бўлиб тасниф этади. Унинг рабаб ҳақидаги маълумотларида бу асбоб камон билан чалиниши алоҳида таъкидланади. Чолғу асбобларини тасниф этишда Ибн Сино торларнинг созланишини, яъни мезробни асосий мезон деб ҳисоблайди.

Чолғу асбоблари чалинаётган асарнинг товуш тизими, куйнинг йўналиш хусусияти ва диапазонини ҳисобга олган ҳолда созланган. Бу мезонлар замонавий ўзбек мусиқа амалиётида ҳам ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Мақом асарлари ижро этилаётган пайтда, айниқса, дутор ва танбур асарнинг парда (мақом) тизимига мослаб созланади. Танбур Бузрук, Дугоҳ, Сегоҳ, Ироқ мақомларида квартага, Рост мақомида квинтага, Наво мақомида эса катта секундага созланади. Созларнинг ўзгартирилиши мақомларнинг мукамал ижросини таъминлашга ёрдам беради.

Дунё халқлари мусиқа мероси, айниқса, миллий чолғу асбоблари бир неча тамойил асосида тасниф этилиб келинади. Ана шундай тамойиллардан бири мусиқа асбобини чалиш усули ва воситалари нуқтайи назаридан тасниф этиш ҳисобланади. Шу жиҳатдан ўзбек миллий мусиқа чолғулари куйидаги гуруҳларга бўлинади:

Урма мусиқий чолғулар - доира, ноғора, қайроқ, сафоил, чиндовул, тавлак, қошиқ, сагат (тарелка).

Дамли чолғулар – сибизға, най, қўшнайн, сурнай, буламон, карнай.

Торли чолғулар : Бу чолғулар ҳам ўз навбатида куйидагиларга бўлинади:

а) торли нохунли–мезробли чолғулар–қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, уд, қонун;

б) урма жарангли торли чолғулар – чанг;

в) чертма чолғулар–дўмбира, дутор, чанг деб номланиб келинган бурчакли арфа.

Камонли чолғулар – ғижжак, кўбиз, сато.

Чертма- агрофон (дамли) чолғулар – чанқовуз.

Мусиқий чолғуларнинг вужудга келишида халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, руҳий олами, ҳиссий (эмоционал) бойлиги, дунёқараши, анъаналари етакчи омил ҳисобланади. Умуман олганда созларнинг яратилиши инсоннинг ўз дунёқараши, фалсафий эстетик кечинмаларини бадиий ифодалашга бўлган маънавий эҳтиёжи билан боғлиқдир. Мусиқий созларнинг яратилиш жараёнига назар соладиган бўлсак, ибтидоий тош давридаги мавжуд қайроқдан тортиб ҳозирги замонавий чолғуларгача бўлган ўнлаб чолғу асбоблари намуналарининг гувоҳи бўламиз. Бу чолғулар орасида асрлар оша

мукаммаллашиб бизгача етиб келган созлар ҳам мавжуд. Манбаларда келтирилишича, муסיқий созлар таркибига кирувчи урма ва дамли созлар илк бор бунёдга келиб кенг оммалашган. Уларнинг оммалашувида ҳаёт тақозоси муҳим рол ўйнаган. Ижтимоий тараққиёт ва турли тарихий воқеалар ҳамда вазиятларда муסיқий чолғуларнинг турлича шакллари юзага келган. Якка ижрочилик энг қадимий ижро шаклини ташкил этган. Бунга мисол қилиб овчилик билан боғлиқ ижро жараёнларини ёки халқ маросимларида қўлланилган каттиқ овозли, очик майдонларда чалиниш учун мўлжалланган урма ва дамли созларни келтириш мумкин.

Эрамизнинг ИВ-В асрларидан бошлаб муסיқий чолғуларнинг ва ижрочилик йўлларининг мукаммаллашуви юзага кела бошлади. Узоқ тарихий тараққиёт мобайнида яратилган турли санъат намуналари, ижрочи ёки муסיқа чолғулари акс эттирилган тасвирий обидаларини таҳлил этиш шуни кўрсатади. Дарҳақиқат, ижтимоий ҳаёт ривожига жараёнида муסיқий жанрлар, чолғуларнинг турли намуналари ҳам кашф этилди. Шу ўринда биз китобда ҳозирги кунда кўп ишлатиладиган айрим муסיқий чолғуларнинг тарихи ва уларнинг ижро имкониятлари, қўлланилиши, ҳамда профессионал ансамбллар тарихи ҳақидаги маълумотларни ёритиб беришни лозим топдик.

Профессионал ансамбллар. Муסיқа ижрочилиги борасидаги тарихимизга назар соладиган бўлсак мамлакатимизда бир қанча профессионал ҳамда кўплаб ҳаваскорлик ансамблларининг фаолият юритганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Бу ансамбллар ўз ижодий фаолияти давомида мақомларимиз, халқ куйлари, ўзбек бастакорлари қаламларига мансуб асарларни келажак авлодга безавол етказишда кўприк вазифасини ўтаган десак хато қилмаган бўламиз. Фаолият кўрсатган ва кўрсатаётган бадиий ҳаваскорлик ансамбллари орасида бир қатор “Халқ ансамбли” деган шарафли унвонга сазовор бўлган жамоаларнинг борлиги ҳам давлатимизнинг бу соҳага қанчалик катта эътибор билан қараётганлигидан далолат беради. Булардан ташқари мамлакатимизда бир қатор профессионал жамоалар ҳам мавжудким, булар миллий муסיқа санъати ривожига ўзининг беназир ҳиссасини қўшиб келган. Шулардан бири 1936 йилда ташкил этилган Ўзбекистон Давлат филармониясининг “Катта ансамбли”.

“Катта ансамбль” Ушбу ансамблнинг биринчи раҳбари Николай Назарович Миронов бўлиб, у ансамбль асосан нота билан ижро этиладиган жамоа ҳисобланар эди (муסיқий жамоатчилик орасида “Нотний ансамбль” деб юритиларди). Орадан кўп вақт ўтмай, давр талаби билан ушбу ансамблга таниқли санъаткор, моҳир созанда ва бастакор Тўхтасин Жалилов раҳбар этиб тайинланади. Бу ансамблда ўша даврнинг таниқли ҳофизларидан: Мулла Тўйчи Тошмухаммедов (Тўйчи ҳофиз), Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов, Домла Ҳалим Ибодов, Рафаэл Толмасов, Муҳиддин Қори Ёқубов, Тамарахоним, Лутфихоним Саримсоқова, Жўрахон Султонов, Карим Зокиров, Ҳалима Носирова, ака-ука Сўфихоновлар, Акбар Ҳайдаров ва Турғун Каримов, созандалардан: Абдуқодир Исмоилов, Аҳмаджон ота Умрзоқов, Аширали Юсупов, Уста Олим Комилов, Ппълат Ҳ. аҳимоё, Ризки Ражабий, Мақсудхўжа

Юсупов, Саиджон Калон, Комижон Жабборов, Жомартбек Саидалиев, Абдумутал Абдотллаев, Набижон Ҳасаноў, Муҳаммаджон Мирзаев, Ғанижоо Тошматов, Фахридин Соҳибқўрбанов, Шибанурчи, тавалид НурИддинов, Лқнос Харратов каби биқа'ор машхур санъаткорлар ижодий фаолият кўрсатишган. 1937 - йилда Мгсквади ўзбекистоннинг биринчи оқхбк адвбиёти ва санъати кўлариди «Катта ансамбль» жамоаси ҳам қатнашиб ўзбекистон ўзбекистон республикасида ўз санъатлари билан танилган ажойиб хонанда ва созандалар йиғилган эди. Муҳаммаджон Мирзаев, Меҳри Абдуллаева, Ҳамро Абдуллаев, Сайфиддин Йўлдошев, Ғофур Азимов, Эргаш Йўлдошев, Зайнаб Полвонова, Эргаш Шукуруллаев, Муҳаббат Мусаева, Адиба Мирзаева, Тўхта Йўлдошева, Тўхта Рисметовлар ансамблнинг мустақам пойдевори ҳисобланар эди. 1957-йилдан 1976-йилга қадар ансамблга Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Ҳаким Нишоннов бадиий раҳбарлик қилди, бош балетмейстер бўлиб эса Исохор Оқилов ва Акбар Мўминовлар фаолият кўрсатишган. Айна ўша даврда ансамблнинг репертуари ранг-баранг асарлар билан бойиди. Ансамбль репертуардан ўзбек халқ кўшиқ ва рақслари, хорижий халқлар куй ва кўшиқлари, шунингдек, ўзбек бастакорларининг янги асарлари мустақам ўрин эгаллади. Асарларнинг мавзуси асосан меҳнат, Ватан туйғуси, лирика, замонни мадҳ этувчи руҳлар билан суғорилган эди.

1947 - йилда Муқимий номи Давлат мусиқали драма ва комедия театри ташкил этилиши мунособати билан Тўхтасин Жалилов мазкур тетрнинг бадиий раҳбарлигига тайинланади ва шу сабабли «Катта ансамбль»га Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова раҳбар этиб тайинланади. Ансамблнинг мусиқа раҳбари этиб эса халқ мусиқа меросининг билимдони, моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Аюб Қодиров тайинланади. Ўша вақтда ансамблга республикамизда ўз санъатлари билан танилган ажойиб хонанда ва созандалар йиғилган эди. Муҳаммаджон Мирзаев, Меҳри Абдуллаева, Ҳамро Абдуллаев, Сайфиддин Йўлдошев, Ғофур Азимов, Эргаш Йўлдошев, Зайнаб Полвонова, Эргаш Шукуруллаев, Муҳаббат Мусаева, Адиба Мирзаева, Тўхта Йўлдошева, Тўхта Рисметовлар ансамблнинг мустақам пойдевори ҳисобланар эди. 1957-йилдан 1976-йилга қадар ансамблга Ўзбекистон халқ артисти, бастакор Ҳаким Нишоннов бадиий раҳбарлик қилди, бош балетмейстер бўлиб эса Исохор Оқилов ва Акбар Мўминовлар фаолият кўрсатишган. Айна ўша даврда ансамблнинг репертуари ранг-баранг асарлар билан бойиди. Ансамбль репертуардан ўзбек халқ кўшиқ ва рақслари, хорижий халқлар куй ва кўшиқлари, шунингдек, ўзбек бастакорларининг янги асарлари мустақам ўрин эгаллади. Асарларнинг мавзуси асосан меҳнат, Ватан туйғуси, лирика, замонни мадҳ этувчи руҳлар билан суғорилган эди.

1976-йилдан ансамблга Ўзбекистон халқ артисти Дилафрўз Жабборова бадиий раҳбар, Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминов бош балетмейстер ва созанда Туйғун Отабоев эса мусиқа раҳбарлик вазифасини бажара бошладилар. Бу ансамбль ҳам ўзининг фаолияти давомида нафақат республикамиз, балки собиқ иттифоқ давлатлари ва хорижий мамлакатларда ижодий сафарларда бўлиб ўзбек миллий мусиқаси ва рақс санъатини тарғиб қилишда ўз хиссасини кўшган.

Бугунги кунда эса ушбу ансамбль «Ўзбекистон» номи билан Ўзбекистон халқ артисти Қодир Мўминовнинг бадиий раҳбарлиги ва бош балетмейстерлиги остида ўзининг ижодий фаолиятини давом эттириб келмоқда.

Бундан ташқари, мамлакатимизда бир қатор профессионал жамоалар мавжудким, булар ҳам миллий мусиқа санъатимиз ривожига ўзининг беназир

ҳиссасини кўшиб келмоқда Шулардан бири Ўзтелерадио қошидаги Юнус Ражабий номидаги “Мақом” ансамбли.

“Мақом” ансамбли. Ушбу ансамбль 1959 йилда Ўзбекистон радиоси қошидаги 1957 - йилда ташкил этилган халқ чолғулари оркестри негизиди, Юнус Ражабий раҳбарлигида ташкил этилди.

Юнус Ражабий бу ансамблга халқ мусиқа меросининг ҳам назарий, ҳам амалий билимдонлари бўлган ўша пайтдаги машҳур ҳофиз ва созандаларни жам қилган. Қисқа давр ичида ушбу ансамбль ижросида, Алишер Навоийнинг 525 йиллигига бағишлаб Бухоро “Шашмақоми”нинг тўлиқ наср қисми магнит тасмаларига туширилди ва пластинка орқали халқимизга етказилди. Қолаверса, бу ансамбль ижодкорлари шунинг ўзи билан чегараланиб қолмай, кўплаб Фарғона-Тошкент йўналишидаги мумтоз куй-қўшиқларни ҳам Ўзбекистон радиосининг олтин фондига ёзиб қолдиришга муваффақ бўлди. Ушбу ансамблнинг ижодий равнақида хонандалардан: Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Мўминов, Ориф Алимахсумов, Толибжон Бадинов, Зайнаб Полвонова, Сирож Аминов, Ҳадя Юсупова, Ишқ Катаев, Изро Малаков, Илҳом Тўраев, Умар Отаев, созандалардан Фахриддин Содиков, Дадахўжа Соттихўжаев, Турғун Алиматов ва бошқалар ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшганлар.

1971 - йилда Юнус Ражабий ўзбек мусиқа санъати ривожини йўлида қилган катта хизматлари учун Давлат мукофотида сазовор бўлиб, кейинчалик академик илмий унвони ҳам берилди. Ансамбль ижросида ёзиб олинган Бухоро “Шашмақоми”, Фарғона-Тошкент йўлидаги кўплаб халқ мумтоз куй ва қўшиқлари, катта ашула ва яллалар, ўзбек бастакорлари қаламига мансуб асарлар радионинг олтин фондида сақланмоқда. Ансамбль 1972 - йилда Олмаота шаҳрида, 1978 – 1982 - ва 1986 - йилларда эса Самарқанд шаҳарларида бўлиб ўтган мусиқашуносларнинг “Осиё минбари” номли халқаро симпозиумида, 2003, 2005, 2007, 2009, 2011 йилларда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро “Шарқ тароналари” фестивалида муваффақиятли қатнашиб, нафақат республикамиздан, балки бутун дунёдан келган мусиқашунос олимлар ва турли тоифадаги томошабинлар олқишларига сазовор бўлдилар. Юнус Ражабийнинг вафотидан кейин ушбу ансамблга турли йилларда Ўзбекистон халқ артисти Ориф Алимахсумов, Ғанижон Тошматов, Шавкат Мирзаев, Исроилжон Ваҳобовлар раҳбарлик қилишган. Бугунги кунда эса ансамблга моҳир созанда ва таникли бастакор, Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов раҳбарлик қилмоқда.

Мукаррама Турғунбоева номидаги “Баҳор” давлат рақс ансамбли. 1957-йилда Халқ артисти, Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофотининг совриндори, ўзбек рақс санъатининг йирик намояндаси Мукаррама Турғунбоева раҳбарлигида Ўзбекистон Давлат филармонияси қошида ташкил қилинди. Дастлаб ансамбль сафига биринчи қалдирғоч сифатида Тамара Юнусова, Зулайҳо Раҳматуллаева, Дилбар Абдуллаева, Раъно Низомова, Дилора Каримова, Эркиной Расулхўжаева, Лилия Расулова, Валентина Романова, Нела Баширова, Алла Раҳимжонова, Самия Аҳмадиева сингари ёш истеъдодли раққоса қизлар қабул қилинди. Бош балетмейстер сифатида ҳам

фаолият юритган Мукаррама Турғунбоева жамоанинг ижодий жараёнида кўплаб профессионал раққосаларни тайёрлади. Мусиқа раҳбари сифатида фаолият юритган Салоҳиддин Тўхтасиновнинг хизматлари эса ансамбль тараққиётида ҳозиргача пойдевор вазифасини бажариб келмоқда.

Бу ансамбль тез орада ўзининг репертуари, профессионал ижро услуги билан нафақат мамлакатимиз, балки собиқ иттифоқ республикалари, бир қатор хорижий мамлакатларнинг ҳам эътиборини қозонди ва ташкил топган йилнинг ўзидаёқ Москва шаҳрида ўтказилган бутун жаҳон ёшлари фестивалида қатнашиб, илк бора зафарни кўлга киритиб, фестивалнинг лауреатлик дипломи билан тақдирланди. Сафардан қайтган бутун жаҳон ёшлар фестивалининг лауреати “Баҳор” ансамбли А.Навоий номли катта академик театрнинг сахнасида ўзининг ҳисобот концертини намойиш қилди. Бу илк муваффақият жамоанинг дастлабки йиллардаёқ уюшқоқлик, кучли интизом билан иш олиб борганлигининг натижаси эди. Йил сайин ансамбль репертуари бойитилиб унинг дастуридан бастакорлар қаламига мансуб «Пахта», “Наманганнинг олмаси”, “Фарғона рубойси”, “Роҳат”, “Андижон полкаси”, “Бухороча”, “Хоразмча”, “Уфори санам”, “Гулноз”, “Пилла”, “Баҳор вальси”, “Ўйин баёти”, “Уйғурча”, “Жанон” каби яқка ҳамда оммавий рақслар ўрин олди. Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Мукаррама Турғунбоевнинг жамоани ташкил этишда, унинг ижодий ривожига кўшган улкан ҳиссаси ва ўзбек миллий рақс санъати борасида қилган хизматлари учун Республикамиз ҳукумати томонидан 1959 -йилда Халқ артисти юксак унвони билан тақдирланди. Ансамбль таркибида таниқли созанда ва бастакор Салоҳиддин Тўхтасинов раҳбарлигида созандалар ансамбли ҳам ташкил топди. Шундан кейин ансамблнинг репертуари тубдан яхшиланиб борди. Миллий кўшиқлар ва рақслар билан бир қаторда озар, туркман, тожик, уйғур, қорақалпоқ халқ кўшиқлари ва рақслари, шунингдек хорижий халқлар: ҳинд, афғон, эрон, араб, хитой ва бошқа халқларнинг мусиқа асарларидан намуналар ўрганила бошланди. Ансамблнинг улкан ижодий муваффақиятлари туфайли бир қатор созанда ва хонандалар ҳам республикамизнинг юксак унвонларига сазовор бўлишди. Ўзбекистон халқ артисти ўлилари ва Давлат мукофоти совриндорлари Бахтиёр Алиев ва Қаҳрамон Дадаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Раббим Ҳамдамов, Бахтиёр Йўлдошев, Музаффар Муҳамедов, кейинчалик Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлган Хайрулла Лутфуллаев, Талъат Сайфиддинов, Аҳмадjon Шукуровлар шулар жумласидандир. Қисқа вақт ичида “Баҳор” ансамблининг довуғи бутун оламга ёйилди. Ансамбль 1965 - йилда биринчи марта Африка қитъасининг шимолий қисмида жойлашган мамлакатларда ижодий чиқишлари билан ўзбек санъатини намойиш этиб олқишларга сазовор бўлди. Ансамбль ижодий фаолияти давомида Ливия, Судан, Жазоир, Миср, Марокаш каби 100 дан ортиқ давлатларда ижодий консерларини муваффақиятли намойиш қилган. 1961 - йилда ансамбль Ўзбек Давлат филармониясидан алоҳида ажралиб чиқди ва мустақил жамоа сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ансамбль раҳбари, ўзбек миллий рақс санъатининг билимдони Мукаррама Турғунбоева 1979 - йилда Тошкентда вафот этди.

Мукаррама Турғунбоеванинг вафотидан кейин «Баҳор» ансамблига 1979-1989 - йилларда халқ артисти Қундуз Миркаримова, 1989-1992 - йилларда ансамблга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Равшаной Шарипова, 1992 - йилдан ҳозирги кунгача эса таниқли раққоса, Мукаррама Турғунбоеванинг шогирди, Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева раҳбарлик қилиб келмоқда.

“Лазги” ашула ва рақс ансамбли 1957-йилда Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти, бастакор, миллий кўшиқчилик санъатининг йирик намояндаси, устоз санъаткор Комилжон Отаниёзов раҳбарлигида Ўзбек Давлат филармонияси қошида ташкил қилинди. Комилжон Отаниёзов ансамблни ташкил қилишда халқ орасидан истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларни жамоага жалб қилиш ишларини муваффақият билан амалга оширди. Катта меҳнат, изчил ҳаракат, ижодий изланишлар эвазига ансамбль учун ранг-баранг репертуар яратилди. Ансамблга Ўзбекистон халқ артисти Комуна Исмоилова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Қувондиқ Искандаров, Бекжон Отажонов сингари халқ дилидан муносиб жой олган санъаткорлар ҳамда халққа энди танила бошлаган бир қатор ёш ижодкорлар бирлаштирилди. Республикамиз бўйлаб қилинган ижодий сафарлар, турли концертлар ансамбль жамоасининг ижрочилик маҳорати учун пиллапоё вазифасини бажарди.

Тез орада ансамбль ўзининг тўлақонли жамоасига эга бўлди. Ансамблга Олмаҳон Ҳайитова, Шариф Султонов, Ибодулла Абдуллаев, Ортиқ Отажонов, Гулчехра Исмоилова каби истиқболли ёш кучлар кириб келдилар. “Лазги” ашула ва рақс ансамблининг босиб ўтган ойдин йўли, ижодий муваффақиятлари бевосита Комилжон Отаниёзовнинг номи билан боғлиқдир. 1968-йилда Хоразм ашула ва рақс ансамблига “Лазги” номи берилди. Комилжон Отаниёзовдан кейин ансамблнинг бадиий раҳбари этиб, Ўзбекистон халқ артисти Гавҳар Раҳимова тайинланади. Гавҳар Раҳимова янги ансамблнинг бадиий шакли, ижрочилик услуби ҳақида қайғуриб, устоз санъаткорлар билан жуда кўп маслаҳатлашади. Ижодий изланишлар натижасида ансамбль кўпроқ этнографик йўлни тутиши керак, деган хулосага келди. Чунки бу хулоса жамоанинг республика миқёсида ўралиб қолмаслигини таъминлар, унинг барча Республикаларда ва хорижий мамлакатларда концерт дастурлари билан чиқиш учун имкон берар эди. Гавҳар Раҳимова ансамблнинг янги дастурини тузиб чиқди. Дастур филармониянинг бадиий кенгашида тасдиқланди. Ўша йиллари Гавҳар Раҳимова ташаббуси билан санъатнинг кўшиқ ва рақс турлари бўйича танлов эълон қилинди. Бу танлов ансамблга кўпгина ёш хонанда ва созандаларни ишга олиш имконини берди. Танлов ғолибларидан Нуржаҳон Саттарова, Равила Аҳмадиева, Ойдин Эгамбердиева, Гулсара Ёқубова, ғижжакчи Собиржон Йўлдошев, Отахон Матёқубов, сурнайчи ва буломончи Қодир уста Бобожонов, кларнетчи Назиржон Оллобергенов, баянчи Рим Галимов, лапарчи ва раққоса Дилбархон Шоумаровалар ансамблнинг ҳақиқий аъзолари бўлиб қолди. Ансамблнинг концерт дастурлари бойитилиб дастурдан “Қалбим уйғонди”, “Саодатлик замонада”, “Хива қизлари лазгиси” каби Хоразм халқ ашула ва рақслари мустаҳкам ўрин эгаллади. Кейинчалик ансамблга истеъдодли хонанда, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

артист Раҳматжон Қурбонов раҳбарлик қилди. Ҳозирги кунда “Лазги” ашула ва рақс ансамбли “Ўзбекрақс” бирлашмаси тасарруфидадир.

“Дуторчи қизлар” ансамбли. 1979 йилда Ўзбекистон халқ артисти, таниқли бастакор ва созанда Ғанижон Тошматов раҳбарлигида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси қошида ташкил этилди. Ансамблнинг мусиқа раҳбари сифатида Замира Раҳматуллаева фаолият юритди. Ўша йили Республика матбуоти орқали ансамбль аъзоси бўлишни хоҳловчи иқтидорли хонанда, созанда ва раққосалар учун танлов эълон қилиниб танлов ғолибларидан Замира Суюнова, Озода Мадраҳимова, Раъно Бўронова, Санобар Султонова, Сора Тошматова, Моҳира Асадова, Қурсия Эсонова, Зайнаб Мирзатиллаева, Мархабо Раҳматиллаева, раққосалар: Матлуба Жўраева, балетмейстер Зебо Турсунова, Гулноза Наримонова, Саида Юсупова, Дилором Мирзаева ва бошқалар ансамбль сафига қабул қилинди. Ансамбль репертуарини бойитишда бастакорлардан Манас Левиев, Муҳаммаджон Мирзаев, Матниёз Юсупов, Сайфи Жалил, Раҳматжон Турсунов, Телман Ҳасанов, Қахрамон Комилов ва Абдуҳошим Исмоиловлар яқиндан ёрдам бердилар. Улкан меҳнат ва ижодий изланишлар туфайли ансамблда ранг-баранг репертуарлар яратилди. Ансамблнинг концерт дастури хилма-хил асарлар билан бойиб борди. Ансамбль дастуридан “Ол хабар”, “Ёр-ёраҳон”, “Қоралар”, “Абдурахмонбеги”, “Омон ёр”, “Олмача анор”, “Қизгина”, “Тановор”, “Фабриканинг йўлида”, “Чаманнорингдан” каби халқ кўшиқлари, “Ёшлигим” (М.Юсупов мусиқаси), “Баҳор ўхшар бахтимга” (М.Левиев мусиқаси), “Ватан”, “Атиргул” (Т.Ҳасанов мусиқаси), “Замона бахти”, “Ўзбекистон” (Ғ.Тошматов мусиқаси), “Ойбулоқ”, “Хумо” (А.Исмоилов мусиқаси), “Ватан мадҳи”, “Онамга хат”, “Ишқинг йўлида”, “Тонг саҳар ғазал битдим” (Р.Турсунов мусиқаси) ва бошқа асарлар кенг ўрин эгаллади. Ансамбль дастурининг ранг-баранглиги, халқчиллиги билан тезда республика ва кўшни республикаларда шуҳрат қозонди. 1980 - йилда Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига бағишлаб Москвада ўтказилган тадбирда “Адол тановор”, “Қошлари қоралар”, “Ёввойи тановор” ва бошқа халқ кўшиқлари билан иштирок этишга муваффақ бўлди.

1981-йили Тожикистонда ўтказилган “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” кунларида “Гулғунчаларингда”, “Атиргул”, “Дутор чертилар бу тонг”, “Қизлар саломи” каби асарлар билан қатнашиб, Тожикистон Маданият вазирлигининг фахрий ёрлиқи билан тақдирланди.

1983-йили Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Осиё минбари” номли мусиқашуносларнинг халқаро симпозиумида мазкур ансамбль ҳам қатнашиш шарафига муяссар бўлди. Бу симпозиумда ансамбль ўзининг “Она тупроғим”, “Озод Шарқнинг қизимиз”, “Тошкент мадҳи”, “Айрилмасун” каби асарлари билан қатнашиб, мусиқашуносларда жуда яхши таассуротлар қолдирди. Ансамблнинг унутилаёзган халқ кўшиқларини тиклашдаги хизматларини беқиёс дея баҳолаш мумкин. Бу ишда Саодат Қобулова, Коммуна Исмоилова, Берта Давидова, Малоҳат Дадабоева, Ҳадя Юсупова, Ишқоқ Катаев, Эсон Лутфуллаев, Изро Малаков ва бошқа санъат усталарининг хизматлари катта. Дуторчи қизлар ансамбли ижросидаги кўшиқлар ўзига хос кирралари,

ижродаги маҳорат, теранлик ва нафислик каби сифатларни ўзида мужассам этганлиги билан кишини мафтун этади. Ансамбль репертуаридаги кўшиқлар, ҳозирги кунга келиб 400 дан ошди. Улар орасида классик йўлда ижро этиладиган ашулалар, енгил халқ ҳазил кўшиқлари ҳамда замонавий тароналар бор. Бир вақтлар унутилаётган “Чаманзор”, “Ёр-ёраҳон, Гулёраҳон”, “Сим-сим оралаб”, “Йўл бўлсин” сингари кўплаб халқ кўшиқлари шу ансамблнинг хизматлари туфайли қайтадан оммалашиб кетди.

“Ўзбекистон-серқуёш ўлка”, “Чўлга боргим келади”, “Бахтиёрлик”, “Баҳор таронаси”, “Ишқ асир этмаган ким бор” каби кўшиқлар эса бугунги кун кишининг саодатли ҳаётини, бахтга ошно меҳнатини, ширин туйғу ва ҳис-ҳаяжонларини акс эттиради. Ансамблга Ғанижон Тошматовдан кейин турли йилларда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва бастакор Қаҳрамон Комилов(қисқа муддат ичида вақтинча), хушовоз хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, созанда ва бастакор Замира Раҳматуллаевалар раҳбарлик қилишди. Ҳозирги кунда “Дуторчилар” ансамблига Ўзбекистон давлат консерваториясининг доценти, созанда Роза Хўжаева раҳбарлик қилиб келмоқда.

Ансамбль раҳбарига. Мутахассис иш жараёнида ансамбль тузиш, уни бошқариш каби вазифаларни амалга ошириши лозим. Шу нуқтайи-назардан бевосита ансамбль раҳбарига керакли маълумотларни ёритамиз.

Ансамбль-французча “энсембле” сўздан олинган бўлиб, “биргаликда” деган маънони англатади. Ансамбль икки ва ундан ортиқ мусиқа ижрочиларининг биргаликда маълум бир мусиқий асарни ижро этиш жараёни билан боғлиқдир. Ансамбль таркибида чолғучилар сони 2 тадан 16 тагача бўлиши мумкин. Чолғу ансамблларининг ижро этадиган мусиқа асари хусусиятига кўра унисон ва кўп овозли турларга бўлинади. Унисон ансамбли кўпроқ анъанавий ижрочиликка хосдир.

Чолғу ансамбллари ундаги иштирок этадиган чолғу хилларига кўра 3 турга бўлинади.

- бир хил чолғулардан ташкил топган ансамбль;
- турдош чолғулар ансамбли;
- барча чолғулар иштирокидаги аралаш ансамбль

Бир хил чолғулардан ташкил топган ансамбль. Бу турдаги ансамблларга доирачилар, рубобчилар, чангчилар, дуторчилар, ғижжакчилар ва шунга ўхшаган бир хил чолғулардан ташкил топган ансамблларни киритиш мумкин. Бу ансамблларда (доирачилардан ташқари) ҳам унисон, ҳам кўп овозли асарларни ижро этиш имконияти мавжуд. Ўтган асрнинг 70-80 йилларида қашқар рубобчилар ҳамда дуторчилар ансамбли кенг тарқалиб оммалашган бўлса, 80-йиллар охирига келиб доирачилар, чангчилар ансамбллари оммалашди ва шу ансамбллар учун махсус мусиқа асарлари ҳам яратилди. Рубобчилар ансамблларининг кенг оммалашувида Муҳаммаджон Мирзаев, дуторчилар ансамблларида Ғанижон Тошматов, доирачилар ансамблларида Ғафур Азимов, Тўйчи Иноғомов, ака-ука Дилмурод, Холмурод, Элмурод

Исломовлар, чангчилар ансамблларида эса Аҳмад Одиловларнинг меҳнати катта бўлиб, улар томонидан тузилган ансамблларнинг тарғиботи катта рол ўйнади.

Турдош чолғулар ансамбли. Камер ансамбль номи билан Европа мусиқа маданиятида кенг қўлланиладиган турли чолғулар ансамбллари нисбатан катта тарихга эга бўлса-да, бу турдаги ансамбллар ўзбек халқ чолғуларининг қайта ишланиши ва такомиллашиши натижасида чолғу оилалари пайдо бўлгандан кейин дунёга келди. Турдош чолғулардан ташкил топган ансамбллар қаторига най ва кичик найлардан ташкил топган ансамбллардан най оиласи ансамбли, рубоб прима, қашқар рубоби ҳамда афғон рубобидан ташкил топган рубобчилар оиласи ансамбли, худди шунингдек чанг оиласи ансамбли, ғижжак оиласи ансамбли ва ҳоказоларни киритиш мумкин. Бундай ансамблларда қайси чолғудан нечтаси иштирок этиши чолғуларнинг садоланишига қараб белгиланади. Ансамблда чолғулар сонини белгилашда кучли тембрдаги чолғулардан камроқ, кучсиз тембрга эга чолғулардан эса кўпроқ иштирок этишини назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Турли чолғулар иштирокидаги аралаш ансамбль. Аралаш ансамбллар бошқа турдаги ансамблларга нисбатан кенг тарқалган бўлиб, турли чолғулардан ташкил топган, икки ва ундан ортиқ чолғучилар иштирокидаги жамоага нисбатан айтилади. Ҳар томонлама мукамал аралаш ансамбль ташкил этиш учун ансамбль таркибига тембри ва тури ҳар хил бўлган чолғуларни киритиш лозим бўлади. Бунда пуфлаб чалинадиган чолғулардан най, қўшна; мезробли чолғулар гуруҳидан қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур; чертма чолғулардан дутор, урма жарангли чолғулардан чанг, тирнама чолғулардан қонун; камонли чолғулардан ғижжак, урма чолғулардан доира иштирокидаги ансамбль миллий руҳдаги ижрони ҳар томонлама ифодалай олиш имкониятига эга бўлади. Бунда энг асосий эътибор чолғулар товушининг бир-бирига уйғунлашиб қўшилиши ҳамда бир-бирини тўлдиришига қаратилиши лозим.²

Анъанавий халқ чолғу ансамбли билан машғулотлар ташкил этиш юзасидан услубий кўрсатмалар. Ўзбек халқ мусиқа меросининг шаклланиши ва ривожланиш жараёнида ижрочилар фаолиятининг бир қатор ўзига хос амалиёт тизимларини ўташи лозим бўлган амаллар алоҳида эътиборга моликдир. Мусиқа ижрочилиги ўзининг кўпвариантлик хусусияти заминида турли ижрочилар ҳар бир созанданинг устоз даражасидаги билими ва амалий талқини ниҳоясида шахсий услуби, маълум услубга мансуб ижрочилик йўлининг авлоддан-авлодга ўтиши орқали ижро мактаблари юзага келган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг маданий жабҳаларда катта ўзгаришлар қатори миллий мусиқага, умуман, аждодларимиз қолдирган маданий меросга катта эътибор қаратилмоқда. Шу ўринда ўқув юртлари ансамбль раҳбарлари зиммасига ҳам бир қатор масъулиятли вазифалар юклатилган. Шулардан бири Давлат таълим стандарти асосида машғулотларни ташкил этиш, дарс самарадорлигини ошириш ва пухта билим бериш. Ўқув

² Э. Тошматов, Ў. Тошматов. Ансамбль синфи. Т.: СНР Абдурашидов С.Б. 2006 йил.

юртлари ансамбль раҳбарлари ҳар куни республикамиз маданий ҳаётидан воқиф бўлмоқлари лозимлиги билан бир қаторда, магистрларга билим беришнинг ўзига хос томонларига эътиборни кучайтирмоқлари керак.

Ансамблларни ташкил этиш ва уни бошқариш учун раҳбар ўзбек халқ чолғу асбобларининг тарихи, уларнинг ижро имкониятлари, диапазони, штрихлари, ансамблдаги вазифаси ва ўрнини яхши билишидан ташқари, халқ чолғуларидан бирортасини мукамал эгаллаган бўлиши фойдадан холи бўлмайди. Раҳбар ансамбль аъзоларига ўргатадиган асарини халқ чолғу асбобида чалиб бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Машғулот бошлашдан олдин чолғуларнинг созига эътибор қаратиш лозим. Чолғу асбобларини камертон ёки най чолғусига созлаш тавсия этилади.

Ҳар бир чолғу ўз шакли ва конструкциясига эга, ҳамда ижро услублари турличадир. Ижрочининг техникасини шакллантириш асосида қўл ва бармоқлар ҳаракати ётади. Масалан, чанг чолғусида ижро техникасини шакллантиришда бармоқлар тезкорлиги устида ишлашнинг кераги йўқ. Доира ижрочилигида эса, аксинча, қўл ҳаракатлари бошқа кўринишда бўлади. Мизробли чолғулар ижрочилигида чап қўл бармоқларининг ҳаракати горизонтал кўринишда, камонли чолғулар ижрочилигида эса вертикал кўриниш касб ётади. Ҳар бир чолғунинг ижро имкониятлари, унинг ижродаги ўрни ҳақида ансамбль аъзолари тасаввурга эга бўлишлари асар ижросида катта самара беради.

Ансамбль қатнашчиларининг тўғри жойлашишини, ўтиришини, мусиқа асбобини тўғри ушлашини, чиройли товуш ҳосил қилишини, штрихлар, динамик белгиларга эътибор қилишини кузатиш ва ўз навбатида хатоларни тузатиб бориш раҳбарнинг асосий вазифаларидан биридир.

Раҳбар жамоа қатнашчиларининг маънавий-маърифий, эстетик тарбиясига катта эътибор бериши, одоб - ахлоқ қоидалари асосида ўз қобилиятларини такомиллаштириб боришларини кузатиб, уларга кўмаклашиб бормоғи даркор. Қатнашчиларнинг умумий сонидан қатъи назар, интизомнинг мустаҳкам бўлиши учун баъзи қатнашчилар машғулотга келмаган бўлса ҳам, жамоа ўз машқларини белгиланган вақтда бошлаши яхши самара беради.

Раҳбар ансамблга ўргатадиган асарини мукамал билиши, унинг яратилиш тарихи ва бошқа керакли маълумотлар, жумладан, ўлчови, усули, динамик белгилари, асарнинг бастакори ҳақида тушунча бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу маълумотлар қатнашчиларга чалинаётган асар ҳақида тасаввур ҳосил қилишига ёрдам беради. Шунингдек, раҳбар ижрочилик маҳоратига алоқадор вазифаларни аниқ белгилаб бериб, унинг бажарилишини қатъий талаб қилиши лозим. Берилган вазифаларнинг бажарилишини тўғри талаб қилиш, ижодий бирлик, муваффақиятли ижро гаровидир. Раҳбар ансамбль қатнашчилари билан муомала қилишда, албатта, ўз услубини топиши керак. Машғулот вақтида ижрочилардан бирортаси адашиб кетиб нотўғри чалса, ансамблни тўхтатиб қўйиб унга танбеҳ бериш ноўрин, балки ижро вақтида ишора ёки сўз билан унинг диққатини жалб қилиши ва қилган хатосини яхши муомала билан тушунтириши лозим. Асарнинг яхши ижроси

ҳар бир чолғучининг кайфиятига ҳам боғлиқ бўлади. Ансамбль иштирокчиларидан бирортасининг кайфияти ёмон бўлса, қолган иштирокчиларга ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Асар танлашда ҳам раҳбар ансамбль иштирокчиларининг қобилиятларини инобатга олса мақсадга мувофиқ бўлади. Маълумки, ҳар бир чолғучи ўзига хос, бир-бирига ўхшамайдиган мусиқий ҳис-туйғуларга эга. Раҳбар ана шу ҳис-туйғулардан ҳам фойдаланиши мумкин. Асар ҳақида, асарнинг қайси бўлаги, тактида қочирим, безак, нола ишлатиш лозимлиги тўғрисида қатнашчилар фикрини билиб, ягона бир қарорга келиши ва ансамбль қатнашчиларига бу қарорга келиш сабабларини тушунтира билиши лозим.

Машғулот вақти чегаралангандир. Уни тежамли ва самарали ўтказиш учун раҳбар олдиндан тайёргарлик кўриши керак. Якка иш режаларини тузиши шарт. Бу режа раҳбар эътибор бериши лозим бўлган барча ишларни қамраб олиши лозим. Режа туза туриб, раҳбар машғулот жараёнининг умумий занжирида қатнашчининг тутган ўрнини аниқ кўз олдига келтириши, унинг мақсади ва бошқа машғулотлар билан ўзаро алоқасини аниқлаши шарт. Машғулотнинг мазмунини, уни ташкил қилиш шаклини ва ўтказиш услубини аниқлаши керак. Қатнашчиларга бериладиган мусиқий асарни ўзи ўрганиши, тегишли бўлган ҳамма маълумотлар билан танишиб чиқиши керак. Шу вақтнинг ўзида қатнашчиларга бериладиган уй вазифаларини олдиндан режалаштириши керак. Раҳбарнинг бадиий иш фаолияти изланувчанликни талаб қилади. Ана шу жараёнда раҳбарнинг индивидуал иш услуби, унинг маҳорати шаклланади. Машғулот жараёнида раҳбар турли услублардан фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади. Оғзаки тушунтириш, асарни ижро этиш, куйлаш, дирижорлик қилиш ва ҳоказо. Асар ўргатишда дирижорлик услубидан фойдаланиш кўпроқ самара беради. Чунки машғулот пайтида раҳбар чалинаётган асарни бўлмасдан, тўхтатмасдан дирижёрлик қилиш орқали таъсир қилиши мумкин. Яна катта таъсирга эга бўлган услублардан бири, раҳбарнинг ижросидир. Бу услуб магистрнинг ижрони тушунишига, билишига кетадиган вақтини қисқартиради. Аммо энг кенг тарқалган, соддагина таъсир кучига эга бўлган услуб—бу оғзаки, сўз ёки куйлаш билан тушунтиришдир. Бу услубни эгаллаган раҳбар қатнашчига энг қийин, мураккаб ғоя ва тушунчаларни ўргатишга эришади. Сўз ёрдамида раҳбар бадиий асарнинг мазмунини, мусиқий ижрочилик санъатининг қонуниятларини, ижрочилик аппаратининг қўйилишини, техник ижро услубларини очиб бериши мумкин. Сўз ёрдамида катта ютуқларга эришиш мумкин, албатта, уни билиб, меёрида ишлатилса, лекин шу билан бирга, бу тушунтиришлар ёрдамчи характерга эга бўлиши керак. Шунингдек, ижрочининг эмоционаллигига ҳам эътибор бериш керак. Машғулот жараёнида раҳбар эмоционал кайфиятга ҳам эътибор берса, катта ютуқларга эришиш мумкин. Раҳбар бор кучини ансамблда ижодий муҳитни ҳосил қилишга қаратиши керак.

Катта ихлос, завқ берувчи куч бу концерт сахнасидир. Чолғучилар фақатгина машғулот хоналарида эмас, балки ҳар хил турдаги концертлар, танловларда иштирок этишлари лозим. Ўз касбига қизиқиш, муҳаббат уйғотиш

учун раҳбар машҳур мусиқачилар, уларнинг санъати ва ҳаёти ҳақида гапириб бериши лозим. Раҳбар машғулоти олиб бориш этикасига ҳам алоҳида эътибор қаратиши лозим. Машғулотлар ҳар доим мунтазам олиб борилиши, раҳбар кечга қолмаслиги шу билан бирга, қатнашчилардан ҳам машғулотнинг ўз вақтида бошланишини талаб қилиши керак. Ансамбль аъзоларига бақириш, уларни ҳақоратлаш, камситиш асло мумкин эмас. Ҳамма қатнашчиларга бир хилда муносабатда бўлиш керак. Раҳбар ансамбль аъзоларига нисбатан юқорида келтирилган талабларга амал қилса, келажакда ижобий натижаларга эришади ҳамда катта ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлади.

Ансамблнинг яхши садоланишида чолғуларнинг жойлашиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Ансамблда чолғуларни қуйидагича жойлаштиришни тавсия этамиз: доира, ғижжак, най, қўшна, қонун, чанг, қашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, дутор, уд.

Ансамбль созандаларининг бундай жойлашуви бир-бирларини эшитиб ижро қилишларига ёрдам беради.

Чалинаётган асар тезроқ ўзлаштирилиши учун уни кичик-кичик бўлақларга бўлиб ўргатиш ва асарнинг ижросини созандаларга нота билан бирга грампластинкалардан, магнит тасмаларига ёзилган вариантларидан эшиттирилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Мусиқа санъатининг назарияси ҳамда амалиётига оид бундай талаблар ўз илдизлари билан кўҳна маданиятимизнинг узок тарихий даврларига бориб тақалади. Мазкур масалалар миллий чолғу асбобларининг тарихига оид маълумотларни таҳлил қилиш орқали ойдинлашиши мумкин.

Жамоа ижрочилигининг умумий қоидалари. Ансамблда ижро маҳоратини эгаллаш, аввало созандаларнинг тўғри ўтириши, чолғу созини тўғри ушлаши, чолғудан товуш чиқариш маҳоратини эгаллаб бориши, ижро ҳаракатларини тўғри шакллантириш ҳамда жамоавий ижро қоидаларига тўлиқ риоя этишликни талаб қилади.

-ижро пайтида гавдани шундай тутиш лозимки, токи ижрочининг чолғу асбобини чалишдаги барча ҳаракатлари учун қулай ва ташқи кўриниш чиройли бўлиши;

-суянчиққа суянмасдан, ўриндикнинг ярмига ўтириш, созанданинг чап оёқлари ўнг оёққа нисбатан бир оз олдинроқда бўлиши;

-қўлнинг чолғу дастасига тўғри жойлашиши оқибатида ижро эркинлигига эришиш;

-созандалар асар ижросини бошлашда етакчи созанда ёки доирачига эътибор қаратишлари;

-асарни чалиб тугатишда ҳам ансамбль аъзоларининг бир вақтда тугатишлари;

-ансамбль ижрочилигида жамоавий ижро маданиятига риоя қилишлари;

-ижро вақтида созанда нафақат ўзининг сози, балки бутун ансамблдаги чолғулар товушини эшитиши;

-ижро учун қулай ва тўғри ўтириш ҳолатининг танланиши ансамблнинг яхши садоланиши, ижронинг сифати ва жозибадорлигига хизмат қилади.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Жамоа ташкил этиш учун раҳбар асосий эътиборни нималарга қаратмоғи лозим.
2. Ансамбль яхши садоланиши учун нималарга эътибор қаратиш лозим.
3. Ансамблнинг жамоавий ижро маданияти деганда нимани тушунасиз.
4. Ижро сифатига салбий таъсир қилувчи омилларни санаб беринг.
5. Ижро эркинлигига эришиш учун созанда нималарга эътибор қаратиши лозим.
6. Республикамизда фаолият юритаётган профессионал ансамбллардан ташқари бадий ҳаваскорлик ансамбллари қайсиларини биласиз.
7. Ўзбек халқ чолғулари ансамбллари турлари ҳақида сўзлаб беринг.
8. Қўшимча манбалардан фойдаланиб ўзбек халқ чолғулари тарихига оид маълумотларни йиғинг.

Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Беляев В. Музыкальные инструменты Узбекистана. Москва - 1933.
2. Абу Абдуллох Хоразмий “Мафотих ал-улум” (А.Назаров таржимаси).
3. Абу али Ибн Сино “Муסיқа ҳақида рисола” (Н.Шодмонов таржимаси).
4. Вызго Т.С.Музыкальные инструменты Средней Азии. Музыка – 1980.
5. Ал-Фараби. Трактаты о музыке и поэзии Пер.с арабского.— Алматы: Гилим, 1993.
6. Тошматов Ў. Чолғушунослик. (Олий таълим муассалалари учун ўқув-қўлланма) Т.: 2006
7. Петросянц А.И. Инструментоведение Т.: 1990.

3-мавзу: Якка тартибдаги машғулотларни режалаштириш ва ташкил этиш. Режа

1. Халқ чолғулари тарихи.

2. Якка тартибдаги машғулотларни режалаштириш.

3. Машғулотларни ташкил этиш.

Таянч иборалар:

1. Мезроб.
2. Стаккато.
3. Пиццикато.
4. Маркато.
5. Тремоло.
6. Штрих.
7. Тембр.
8. Оркестр.
9. Тажриба-синов лаборатория.
10. Чолғулар реконструкцияси.
11. 12 поғонали тенг температура.
12. Партия.
13. Пассаж.
14. Позиция.
15. Аккомпанемент.
16. Амбушюр.
17. Аппликатура.
18. Аранжировка қилиш.
19. Қайта ишлаш.
20. Мослаштириш.

1. Урма мусиқий чолғулар

Бу чолғулар турига доира, ноғора, қайроқ, сафоил, чиндовул, тавлак, қошиқ, сагат (тарелка) киради. Ҳар бир чолғунинг ўзига хос жаранги, садоланиши, кўриниши ва ижро усуллари мавжуд. Урма мусиқа чолғулари жуда қадимий бўлиб, улардан ўзбек халқининг тўй маросимларида, байрамларида очиқ ва ёпиқ жойларда (хоналарда, саройларда) якка ҳамда ансамбль шаклида кенг фойдаланилган. Ҳозирги кунда ҳам ўзининг қадимий кўринишини деярли сақлаб қолган миллий чолғуларимиздан бири доирадир.

ДОИРА халқасимон шаклда бўлиб, узум (занг) танасидан, клён, ёнғок, тут, ўрик ва бошқа қаттиқ дарахтлардан эгма ҳолда ясалади. Диаметри 37-45 сантиметр бўлиб, асосан той териси ёки бузоқ териси билан қопланади. Гардишнинг ички қисмида жарангни сақлаб қолувчи кичкина халкачалар 2, 2,5 сантиметр оралиқда жойлаштирилади.

Археологларнинг қидирув ишлари жараёнида топилган қазилма бойликлардан бизга маълумки, доира (бубен) бизнинг асримизгача бўлган ИИ асрда ҳам мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда у бундан 2000 йил олдин пайдо бўлган. Доира ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқ чолғулари орасида алоҳида ўринга тутади. У яқка ҳолда ёки ансамбль кўринишида ижро этилади. Шуниси қувонарлики, ҳозирда фақат доирачилардан ташкил топган ансамбллар кўпаймоқда. Мисол тариқасида Элмурод Исломов, Ҳусан Носировлар раҳбарлигидаги доирачилар ансамбллари келтириш мумкин.

Доира имконияти жуда кенг чолғулардан ҳисобланади. Академик Юнус Ражабий мақомларимизни нотага олган вақтда доира усуллари ёзиш учун битта нота чизигидан фойдаланган. Ҳозирда эса доира усуллари тўлиқ нотага тушириш ва келажак авлодларга тўлиқ қолдириш мақсадида тўртта нота чизигидан фойдаланилади. Бу эса ҳар бир қўл ва бармоқлар учун алоҳида усуллари, чўзимларни белгилаш имконини беради. Доирачилик мактаби асосан устоз ва шогирд анъаналари орқали ривожланиб бизгача етиб келган. Бунга мисол қилиб устоз доирачилардан Уста Олим Комилов, Тўйчи Иноғомов, Ғофир Азимов, Қахрамон Дадаев, Одил Камолхўжаев, Элмурод, Холмурод, Дилмурод Исломовлар ва Ҳасан Азимовларнинг хизматларини алоҳида қайд этиш мумкин.

1. Дамли (пуфлаб чалинадиган) чолғулар

Ўзбек халқ чолғуларининг яна бир тури дамли чолғу асбобларидир. Бу турдаги чолғулар пуфлаб чалингани боис “дамли чолғулар” дейилади ва ўз навбатида икки гуруҳга ажратилади:

1. Камер, яъни ёпиқ жойларда ижро этиш учун мўлжалланган овози нисбатан юмшоқ чолғулар: най, кўшнанай.

2. Очиқ жойларда чалишга мўлжалланган чолғулар: карнай, сурнай, буламон.

Дамли чолғулар ичида кенг тарқалгани ва имконият даражасининг кенглиги билан ажралиб турувчи чолғу найдир.

Найнинг ХИВ-ХВ аср миниатюраларида тасвирланганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг қадимий чолғу эканлиги маълум бўлади. Бу ҳақда Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида ҳам қуйидагича маълумот бериб ўтган: *“Халқимиз ҳаётида муסיқа азалдан беқиёс ўрин тутади. Самарқанд яқинидаги Мўминобод қишлоғидан 3 минг 300 йил муқаддам суякдан ясалган най чолғуси топилгани ҳам шундан далолат*


беради”³.

Най қамишдан (ғаров най), бамбук, оқ тунука (бринжи най) суюк (сўнгах) дан ясалади. Найнинг пуфлаш учун мўлжалланган тешигидан ташқари олтига тешиги мавжуд. Айрим найларда бу тешиклар сони еттига бўлади. Халқ созандаларининг фикрича, пуфлайдиган тешик билан биринчи бармоқ босиладиган тешик ўртасига қоғоз ёпиштириб қўйилса товушга сайқал беради. Мазкур созларнинг узунлиги 50 сантиметр бўлади ва бир учи пўкак билан беркитилади. Пуфлаш учун ва бармоқлар билан беркитиш учун мўлжалланган тешикларидан ташқари овоз мувозанатини сақлашга ёрдам берадиган яна икки ёки учта овоз тешиклари мавжуд. Пуфлаш натижасида турли товуш ва қочиримларнинг ҳосил қилиниши най чалишнинг характерли хусусиятларидан бири десак, янглишмаймиз.

Най чалувчи созанда найнинг чалиш учун мўлжалланган тешигига лабини шундай қўйиши керакки, лаб унинг тўртдан бир қисмини беркитиши лозим. Қўл бармоқларини яхши ишлата билиши керак. Созни садолашда нафас олиш тез, чиқариш эса жуда текис ҳамда давомли бўлиши талаб этилади. Нафасни чиқарганда ўпкада йиғилган ҳавонинг ҳаммасини охиригача чиқариш тавсия этилмайди. Чунки товушнинг сифати, ёқимлилиги бевосита шуларга боғлиқ бўлади. Найда пуфлаш кучини ўзгартириш орқали 2,5 октавагача товушқатор ҳосил қилиш мумкин. Найнинг овоз диапазони биринчи октава ля товушидан тўртинчи октава ре товушигача. Най чалиш бўйича устозлик даражасига етган санъаткорлардан Аҳмаджон Умрзоқов, Абдуқодир Исмоилов, Саиджон Калонов, Ҳалимжон Жўраев, Абдулаҳад Абдурашидовларни алоҳида қайд этиш мумкин.

Найнинг диапазони қуйидагича:

Биринчи октава ля товушидан тўртинчи октаванинг ре товушигача.



Пуфлаб чалинадиган чолғулар туркумига кирувчи яна бир чолғу асбоби қўшнайдир.

ҚЎШНАЙ - жуда қадимдан Шарқ халқларида, жумладан ўзбек, тожик халқлари орасида кенг тарқалган чолғу сифатида бизга маълумдир. Қадимги Шарқ халқларига асосан пуфлаб чалинадиган икки чолғу маълум бўлган.

1. Авлос (грекча номи)
2. Дунай ёки дубай.⁴

³ Ислон Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч, Т.: Маънавият, 2008, 140-бет

Бу чолғулар эрамиздан олдинги 2000 йилга тўғри келади ва ҳозирги кўшнайга ўхшаган чолғуга монанд бўлган.


Кўшнай чолғусининг ўзига хос хусусияти бир-бирига боғланган иккита қамишдан ясалганлиги ва иккаласининг бирга ижро этилишидадир. Кўшнайнинг умумий узунлиги 30 сантиметргача бўлиши мумкин. Биз юқорида кўшнайни жуда қадимий чолғу асбоби дедик. Унинг қадимийлигини япон олимлари ҳам исботлаганлар. Қидирув ишлари натижасида Наманган вилояти Поп туманидаги Культетадан уйсифат тўртбурчак соғона топилган. Унинг ичида қамишдан ясалган олтига тобут чиққан. Эрамизнинг В асрларида инсонлар ҳаётлик даврларида қайси иш билан шуғулланган бўлсалар, ана шу касбга тааллуқли бирор белги билан дафн этилган эканлар. Шу боис тобутлар ичидан кўшнай асбоби кўмилган одам мусиқачи, яъни кўшнайчи бўлганлигидан далолат беради. **(Кўшнай ҳақидаги маълумот устоз кўшнайчи Мирзашариф Мирбаратовдан олинган. С.Ж.)**

Шу ўринда машҳур олим Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи» номли китобида айтилган кўшнай ҳақидаги фикрларни келтиришни лозим топдик. **«Фикримизча, бизда чолғуларнинг энг ибтидоийси кўшнайдир. Бу кун орадан чиқмоқ узрадир. Жуда ёниқ бир товуши бор. Икки қамишни ёнма-ён қўйиб боғлайдилар. Ҳар иккисини ҳам бош томонларидан кесиб тил чиқартадилар-да, оғизга қуюб пуфлайдилар».**

Кўшнайнинг пуфланадиган берк учи томонида тилчаларини қисқартириш ва узайтириш учун ипдан қилинган ҳалқа мавжуд. Шу тилчаларни лаблар билан қисқартириш ва уларни босиш кучини ўзгартириш орқали товушқатор ҳосил қилинади. Кўшнайнинг тембри жуда баланд ва ёқимлидир. Ҳозирда кўшнай халқ чолғу ансамблларида кенг қўлланиляпти. Айниқса, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистоннинг айрим ҳудудлари, Тошкент шаҳри ҳамда вилоятида кўшнайдан якканавоз соз ва жўрनावоз соз сифатида яхши фойдаланилмоқда. Диапазони биринчи октава ре товушидан иккинчи октава сол товушигача, лекин чолғучининг маҳорати етарли бўлса ундан юқори товушларни ҳам ҳосил қилиш мумкин.

Устоз кўшнайчилар сифатида Аҳмаджон Умрзоқов, Қаюм ота, Қурбонбой ота, Мирзашариф Мирбаратов, Насриддин Рўзиев кабиларни кўрсатиш мумкин.

Кўшнайнинг диапозони биринчи октаванинг “ре” товушидан иккинчи октаванинг “сол” товушигача.



3. Нохунли мезробли чолғулар

Бу тур чолғуларга кашқар рубоби, афғон рубоби, танбур, конун ва уд

⁴ Т.С.Вызго. Музыкальные инструменты Средней Азии. Москва, 1980, 43-бет

киради.

ҚАШҚАР РУБОБИ рубоб жуда қадимий чолғу ҳисобланади. Ўша давр рубоблари ҳозирги биз қўллаётган қашқар рубоби кўринишидан кескин фарқ қилган, лекин негизи бир-бири билан боғлиқдир. Қадимий рубоблар беш торли бўлган. Тўртта сими ипакдан, биттаси эса кумушдан ясалган.

Шу ўринда Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” асарида баён этилган жумлани келтирамиз: *“Ёзувчиси маълум бўлмаган бир “музиқий тарих”часида рубобнинг Султон Муҳаммад Хоразмшоҳ томонидан Хоразмда пайдо бўлгани ёзилади. Букитобни кўрганим кун мен ҳам шунга ишонган эдим. Бироқ 20-йилларда Ҳиндистондан келтирганим “Соранг” исмли бир чолғунинг рубобга жуда ўхшашлиги мени шоширган эди. Сўнгралари қўлимга тушган Дарвеш Алийнинг “Рисолайи музиқий”сида бу чолғунинг Балхда ясалгани, Муҳаммад Хоразмшоҳ замонида Хоразмда ривож топгани кўрсатилади”.*⁵

Бу чолғунинг келиб чиқиш тарихи тўғрисида турли манбаларда турлича маълумотлар келтирилган. Жумладан Ал-Фаробий (X аср) ўз даврининг мусиқа асбобларини тавсифлар экан, рубобда бир-биридан фарқ қиладиган ижрога эришиш мумкинлигини унинг афзалликларидан бири деб ҳисоблайди. Дарвеш Али (XVIII аср) “Мусиқа ҳақида рисола” асарида мусиқа асбобларининг тузилишини баён қилар экан, “Рубоб торли мусиқа асбоби. Ўрта Осиёда Алоуддин Муҳаммад Хоразмшоҳ (1200-1220 йиллар) даврида тарқалди. Шу даврда Хоразмшоҳ саройида тенги йўқ рубоб чалувчи уста Маҳмуд яшар эди. Рубобда бешта тор бўлиб, улардан тўрттаси ипакдан ва биттаси кумушдан эди”,- деб ёзади. “Қашқар рубобининг асли келиб чиқиши Шарқий Туркистон (ҳозирги Хитойнинг Уйғур Автоном Округи) нинг Қашқар деган жойи номи билан боғлиқ бўлса-да, ўзбек миллий чолғулари ичида энг кенг тарқалган ва оммалашган чолғу ҳисобланади. Мусиқани эндигина ўзлаштираётганларнинг 50 фоизидан ортиғи ана шу чолғудан фойдаланиши маълум. Қашқар рубоби жуда жарангдор ва ёқимли садога эга бўлиб, нисбатан тез ўзлаштирилиши мумкин бўлган чолғулар қаторига киради”⁶. Қашқар рубоби ҳозирда яққанавоз соз сифатида ўзбек халқ ансамблларида етакчи ўринни эгаллайди. Диапазони кичик октава ля товушидан учинчи октава ля товушигача. Ҳозирги қашқар рубобида бешта тор мавжуд. Тўрттаси металл аралашмасидан, биттаси ичак ёки ипакдан қилинади. Созланиши кварта ва кварта квинта оралиғида бўлади, яъни биринчи тор ля товушига, иккинчи тор ми товушига, учинчи тор ля ёки си товушларига соланади.

Рубоб чалиш санъатида устозлик даражасига етган созандалар: Муҳаммадjon Мирзаев, Шавкат Мирзаев, Ари Бобохонов, Ориф Атоев, Тоҳир Ражабий ва бошқалар эл орасида машҳур.







Қашқар рубобининг диапазони ва созланиши қуйидагича:

Биринчи жуфт торлар биринчи октаванинг “ля” товушига (унисон), иккинчи жуфт торлар биринчи октаванинг “ми” товушига (унисон), учинчи

⁵ А. Фитрат. *Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи*. Тошкент, 1993 йил.

⁶ А. Лутфуллаев. *Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти*. Т.; 2005 йил

ичак тор эса кичик октаванинг “си” товушига соф кварта оралиғида ёки анъанавий ижрочиликда баъзан асар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда “ля” товушига ҳам соланади.

yozilishi			eshitilishi		
I	II	III	I	II	III
					
lya	mi	si kichik oktava	lya kichik oktava	mi kichik oktava	si katta oktava

Қашқар рубобининг диапозони кичик октаванинг “си” товушидан учинчи октаванинг “си бемол” товушигача.

yozilishi	eshitilishi
	
si kichik oktava	si katta oktava
	
si b3	si b2

АФҒОН РУБОБИ жуда қадимий мусиқа асбобидир. Н.Н. Миронов томонидан афғон рубобининг Ҳиндистонда учраши, Қашқарда уни рабоб деб аталиши ёзилган. Профессор Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусиқаси тарихи” асарида бу чолғунинг Хоразм амири Муҳаммад Хоразмшоҳ даврида Балх шаҳрида шахси номалум кимса томонидан ясалгани ҳақида ривоятни келтиради. Афғон рубоби қадим замонлардан ўзбек халқи орасида айниқса, Бухоро ва Самарқандда кенг тарқалган. Унинг корпуси понасимон шаклдакатта ва чуқур бўлиб, ён томонларида ўйиқлари бор.

Дастаси қашқар рубобига нисбатан анча (8-10 см.) калта бўлиб, уч томони бир оз орқага қайрилган. Коса қисми билан дастаси яхлит ёғочдан (кўпинча тутдан) ясалади. Дастаси пардаларга бўлинган бўлиб, унинг пастки қисми кенгая бориб қопқоққа уланиб кетади ва корпуснинг устини ўйиқларга қадар ёпади. Корпуснинг қолган қисми (ўйиқлардан кейинги қисми) га тери қопланади. Асбобнинг умумий узунлиги 70-80 сантиметрни ташкил қилади. Афғон рубоби кўриниши ва ижро услуби жиҳатидан бошқа чолғулардан ажралиб туради. Ҳажми катта, баланд авжли куйларни ижро этишда рубоб дастасининг давоми сифатида, резанатор қопқоғининг устки қисмига дастадаги асосий 4 пардадан ташқари ўрнаштирилган 6,7 хаспардалар асос бўлади. Афғон рубобида беш асосий ва диатоник тарзда солинган 10, 11 акс садо берувчи торлар мавжуд бўлиб, асосийларидан 1- 2- билан, 3- 4- билан, 5 - торлар кварта оралиғида соланади.

Дутор ва танбурдан фарқи, афғон рубобининг барча торлари ижрода кенг қўлланилади. Афғон рубобида чалиш маълум даражада мураккаб бўлганлиги сабабли уни танбур ва бошқа айрим чолғулар сингари деярли мутахассис

созандалар кўлида кўрамиз. Афғон рубоби бошқа кўпгина ўзбек халқ чолғу асбоблари сингари 30-йилларнинг охири, 40-йилларнинг бошларида А.И. Петросянс томонидан реконструкция қилинди, яъни такомиллаштирилди. Унинг такомиллашган турида ёрдамчи торлар йўқ. Корпуси ихчамлаштирилган, дастаси узун температураланган тўла хроматик товушқаторга эга. Пардалар эса эбонит қаламчалардан ясаб ўрнатилган. Асбобнинг такомиллаштирилиши ижро техника имкониятларини яхшилашга имкон берди. Диапазони кенгайтирилди. Тўртта боғланган парда ва ёпиштирилган 6-7 та парда ўрнига мустақкамланган 19 та парда ўрнатилди. Товушқаторга температура ва хроматизация жорий этилди. Унинг бешта тори бўлиб, тўрттаси иккитадан кўшалок ва бешинчиси якка ҳолда ўрнатилди.

Такомиллаштирилган афғон рубобида ҳамма торлар ичакдан ёки капрон толасидан тайёрланади ва кварта оралиғида соланади. Диапазони кичик октава “ля” товушидан учинчи октава “ми”-“фа” товушигача⁷. Афғон рубобининг машҳур ижрочилари: Тавур Жумаев, Эргаш Шукруллаев, Савинов, Ғуломқодир Эргашев, Тохир Йўлдошев ва бошқаларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

Афғон рубоби транспозиция қилинадиган чолғулар гуруҳига мансуб бўлиб, ижрода ёзилганига нисбатан бир октава паст эшитилади. Афғон рубобида ичакдан ишланган бешта тор мавжуд. Биринчи жуфт торлар биринчи октаванинг “ля” товушига (унисон), иккинчи жуфт торлар биринчи октаванинг “ми” товушига (унисон), учинчи тор эса кичик октаванинг “си” товушига соф кварта оралиғида соланади.

yozilishi			eshitilishi		
I	II	III	I	II	III
lyal	mi1	si kichik oktava	lya kichik oktava	mi kichik oktava	si katta oktava

Афғон рубобининг диапазони кичик октаванинг “си” товушидан учинчи октаванинг “ми” товушигача.

yozilishi	eshitilishi
si kichik oktava	mi2
mi3	si katta oktava

ТАНБУР ҳам нохунли мезробли чолғулар туркумига киради. У кўрсаткич бармоққа кийиладиган металл аралашмасидан ясалган махсус мослама, яъни нохун билан чалинади. Чалинганда фақат биринчи тордан

⁷ Маълумотлар С.М.Тахаловнинг “Афғон рубобини чалишга ўргатиш методикаси асослари” китобидан ҳамда Рифатилла Қосимовнинг “Анъанавий чолғу ижрочилиги” китобидан олинди. Тошкент-2007.

фойдаланилиб, қолганлари кўшимча садо олиш учун хизмат қилади.

Танбур асосан тут, ўрик, ёнғоққа ўхшаган қаттиқ дарахтлар ғўласидан ноксимон шаклда қилиб ўйиб ясалади. Косанинг устки қисми тут дарахтидан ясси қилиб ясалган қопқоқ билан қопланади. Дастаси бирмунча узун, ингичка ва пардаларга бўлинган. Танбурнинг пардалари бошқа чолғулар пардаларига нисбатан қалинроқ ва баландроқ қилиб боғланади. Бу боғланиш танбур торларини эзиб керакли товуш ҳосил қилиш учун мўлжалланган. Танбур ҳам уд созига ўхшаб жуда қадимийдир. Машҳур мусиқашунос олим Форобийнинг фикрича, қадимда танбурлар асосан икки торли бўлган ва айрим ҳолатларда уч торли танбурлар ишлатилган. Қадим даврларда Хуросон танбурлари ва Боғдод танбурлари машҳур бўлган. Бу танбурлар кўриниши жиҳатидан бир-биридан фарқ қилган⁸.

Шу ўринда машҳур олим Фитратнинг “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли китобидаги танбур ҳақидаги фикрларни айнан келтиришни лозим деб топдик. *“Бурунги мусиқий китобларимиз танбур сўзини ТУНБУРА шаклида ёзадирлар-да, аслида юнонча сўз эканини сўзлайдилар. Бу чолғунинг чиндан-да юнондан келиб – келмаганини биз томондан текишириш мумкин бўлмади. Бироқ бу чолғунинг шарқда жуда эски бир нарса экани маълумдир. Ҳижрий ўнинчи асрда ўткан Ҳофиз Дарвеш Алиё томонидан танбурнинг бурун икки торли бўлгани, сўнгра Ҳусайн Бойқаро замонида Маҳмуд Шайбоний отли бир мусиқийшуноснинг унга бир тор ортдиргани тўғрисида берилган хабар эса юқоридаги фикрларимизнинг кучини ортдиргон бўладир”*⁹.

Танбурнинг яратилиши ва унинг тараққиёт жараёнини дастлаб Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг мусиқа билимдонлари ўз асарларида илмий нуқтайи назардан тадқиқ этганлар. Масалан, мусиқашунослар Абу Наср Форобий, Котибий Хоразмий, Ибн Сино, Ибн Зайла Исфаконий ва бошқалар ўз асарларининг айрим боблари ҳамда фаслларида танбурга оид муҳим изоҳларни берганлар. Танбур атамасининг маъноси турли ёзма манбаларда турлича изоҳланган. Жумладан, Дарвеш Али Чангий Бухорий (ХИИ аср Тухфат-ус-сурур) нинг таъкидлашича, танбур юнонча сўз бўлиб, “тан” – юрак, “бур” – тирнаш маъносини англатар экан.

Танбур уч хил созланади:

-Биринчиси **“Рост”** мизроби.

-Иккинчиси **“Наво”** мизроби. Наво мақомига оид куйлар шу созда ижро қилинади.

-Учинчиси **“Сегоҳ”** мизроби. Сегоҳ, Ирок, Бузрук, Дугоҳ, мақомларига оид куйлар шу созда ижро қилинади.

Ҳозирги танбурлар тўрт торли бўлиб, торлари мис ва латун аралашмасидан тайёрланади. Дастага 16 –19 тагача йўғон қилиб ичак пардалар боғланади. Бу пардаларни ижро этиладиган асарнинг ладига қараб пастга ёки юқорига суриш мумкин. Танбур пардалари бир неча қават ичаклардан

⁸ Т.С. Вызго. Музыкальные инструменты Средней Азии. М.; Москва 1980 78 – 79 бетлар.

⁹ А. Фитрат. Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи. Тошкент-1993 йил.

тайёрланиб, қалинлиги сабабли дастадан анча кўтарилиб туради. Худди мана шунинг ўзи танбурнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Созанда парданинг баландлиги ҳисобига торни эзиш йўли билан турли товушлар ҳосил қила олади. Боғлама пардалардан ташқари танбурнинг қопқоқ қисмига яна тўртта ёрдамчи ёғоч парда, яъни хаспарда ўрнатилади. Бу эса танбурда ижро этиш имкониятларини кенгайтиради.

Танбурнинг оммалашувида Маъруфжон Тошпўлатов, Фазлиддин Шаҳобов, Шоназар Соҳибов, Бобоқул Файзуллаев, Матюсуф Харратов, Ризки Ражабий, Турғун Алиматов, Султонхон Ҳақимов, Ёқуб Давидов, Шобарот Танбурий, Отавали Нуриддинов, Абдулла Умаров, Тоир Қўзиев, Ўктам Расулов ва бошқа созандаларнинг хизматлари бениҳоядир.

Танбур товуш қатори диатоникдир. Унинг тўртта тори бўлиб, биринчи, иккинчи ва тўртинчи торлари катта октаванинг “сол” товушига, учинчи тори эса катта октаванинг “ре”, “до” ёки “фа” товушига соланади. У транспозиция қилинувчи чолғулар гуруҳига мансуб бўлиб, ижрода ёзилишига нисбатан бир октава паст эшитилади.

yozilishi

I	II	III	IV
sol kichik oktava	sol kichik oktava	re kichik oktava	sol kichik oktava

eshitilishi

I	II	III	IV
sol katta oktava	sol katta oktava	re katta oktava	sol katta oktava

УД. Ижтимоий ҳаёт ўз тараққиёти мобайнида аҳолининг табақаларга бўлиниш жараёнини бошидан ўтагани каби мусиқа санъатида ҳам ана шундай жараён давом этмоқда. Узоқ тарихий тараққиёт мобайнида мусиқий жанрлар, чолғуларнинг бир қанча турлари кашф этилди. Ана шундай чолғу турларидан бири уддир. Ўтмиш олимлари уд чолғулар ичида мукамаллик даражасига етказилганлигини кўрсатиб ўтганлар. Уд сози Осиё халқларининг миллий чолғулари қаторидан муносиб жой олган, гарчанд уни форслар «Борбад», хитойликлар «Пипа», араб халқлари «уд» ва кўпчилик Овропа халқлари «Лутня» каби атамаларда атаган бўлсалар ҳам уларнинг асоси бир, яъни уд (удсимон) дир.

Уд арабча сўз бўлиб, унинг луғавий маъноси турличадир. У биринчидан ёғочи қора тусли дарахтнинг номидир. Уд дастлаб шу дарахтдан ясалган бўлиши керак. Иккинчидан, уд ибораси байрам, тўй-томоша, хурсандчиликни ифодалайдиган “ийд” иборасининг маълум формасидир. Бу ўринда хушчақчақлик кайфияти бағишловчи соз маъносида ҳам келиши мумкин.¹⁰

Уднинг мукамал соз сифатида намоён бўлишида унинг уч хусусияти алоҳида ажралиб туради:

- **тузилиши** (шакли, торлар миқдори, жойлашиши, созланиши);
- **имконияти**;
- **оммавийлиги**.

Бу хусусиятлари халқ орасида моҳир созандалар етишиб чиқишида, мусиқа ижодиётида устозона мусиқа жанрини вужудга келишида муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўринда ИВ аср охири В аср бошларида яшаб ижод этган забардаст «афсонавий» созанда, ўз ижодида лаҳн, парда, хусравонийлар каби қадимий мусиқий жанрларда намуналар яратган Борбад фаолиятини мисол қилиш мумкин.

Мусиқанинг барча илмлар қаторида алоҳида фан сифатида шаклланишида ўтмишда яшаб ижод этган Ал Форобий, Сафиуддин Урмавий, Ал Ҳусайний, Аш Шерозий, Кавкабий каби алломаларнинг хизматлари бениҳоядир. Уларнинг илмий-назарий тадқиқодларида уд асосий чолғу сифатида хизмат қилгани алоҳида таъкидланади. Эроний тилларда сўзлашувчи халқлар орасида Борбад қадимдан маълум ва машхур бўлса, у ироклик араб халқларига эса ВИИИ асрда маълум бўлди ва араб мусиқасини борбадда, удда биринчи бор Ибн Сурайи ижро этди. Ибн Сино давригача (X асрнинг иккинчи ярми XI аср боши) “Борбад” термини уд сўзининг синоними сифатида ишлатилди. Бунинг тасдиғи сифатида Ал-Хоразмийнинг (X аср) куйидаги жумласини келтириш мумкин. **“Борбад-бу уд. Борбад сўзи ўрдакнинг кўкраги маъносини беради, яъни бар – кўкрак, бат – ўрдак”**. Маҳмуд Қошғарийнинг (XI аср) “Девону луғатит-турк» асарида ҳам Борбад сўзи ўрдак кўкраги деган маънони англатиши қайд этилади. Ал-Форобийнинг “Араб мусиқаси, унинг қонунияти ва тарихи” асарида **“Уд сози интервалларни назарий жиҳатдан ҳисоблашда хизмат қилган”** деган жумла бор. Демак, уд созининг мукамал соз сифатида шаклланганлигини Шарқ олимлари ҳам исботлаганлар.


Ўрта аср фанининг алломаси аш-Шерозий ҳамда Жомийнинг мусиқа назариясига бағишланган асарларида кўрсатилишича, уд ал-Форобий замонаси (X аср)гача тўрт торли мусиқа асбобларидан бўлган ва торлар махсус номлар билан аталган. Энг паст товуш берадиган тор – **“бамм”** (энг паст), иккинчи тор **“маслас”** (арабча уч баробар баланд), **“масна”** (арабча икки баробар баланд), тўртинчи тор эса **“зир”** (баланд товуш берадиган) номлари билан ифодаланган. Ал-Форобий ўз замонаси талабларига, яъни мусиқа амалиётидаги эҳтиёжларга асосланиб, уд торларига **“ходд”** (энг баланд товушли) деб аталган торни қўшган

¹⁰ И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Т.; Ўзадабийнашр, 1963 йил, 17 бет

ва уднинг товуш диапазонини диатоник товушқатор нуқтайи назаридан қарийб 4-5 поғонага кенгайтирган.

Муסיқага оид назарий рисоалардан маълум бўлишича, беш торли уд қарийб ХЙИ асргача ишлатилиб келинган.¹¹ Уднинг олтинчи, яъни “мухталиф” сими ХИВ-ХВ асрларда пайдо бўлди ва сознинг янада мукаммаллашувига олиб келди.¹²

Араб, Миср созандалари уд чолғуси торларини асосан до, сол, ре, ля, ми (фа) товушларига созлайдилар, бизда эса мақом, халқ куйларининг диапазони кенглигини ҳамда дутор, танбур чолғуларининг ре товушига созланишини ҳисобга олиб чолғу сози бир оз ўзгартирилган. Баъзи бир куйларда уднинг 6-тори ре ёки си товушига созланади. Уд чолғуси нота ёзувига нисбатан бир октава паст эшитилади, яъни транспозиция қилинади. Ёзилиши 2-октава ре товушидан катта октаванинг ми товушигача, эшитилиши эса 1-октаванинг ре товушидан контр октаванинг ми товушигача.



4. Урма ва тирнаб чалинадиган чолғулар

ҚОНУН – Жуда қадимий чолғуларга мансуб. Форобийнинг фикрича қонун эрамизнинг биринчи асрларида Самарқанд аҳолиси ўртасида жуда машхур бўлган. Форобий ўзининг “Чолғулар Ҳақида” номли китобининг “Арфа”га тааллуқли бобида арфага яқин чолғу асбоби тўғрисида маълумот беради.

Сафи ад-Дин эса қонуннинг икки хил тури мавжуд бўлганлиги тўғрисида маълумот беради. Ҳар бир товуш тебраниш натижасида алоҳида тор орқали ҳосил қилинади. Қонун юнонча сўздан олинган. Унинг товушқатор асоси бир торли таркибда тузилган “Монохорд” асбобига берилган номдан келиб чиққан. Демак қадимий “Монохорд” чолғу асбоби араб халқи ижодий амалиётида “қонун” номи билан оммалашган. Бу жараённинг илк даври X-XII асрларга тўғри келади. Араб муסיқашунос олимларининг баён этишларича, тахминан ХИВ асрларда яратилган қонун чолғуси Уссурия пойтахтидан топилган. Ўша даврларда бу чолғунинг чизма нусхаси фил суягидан қилинган қутиларга чизилган. Унга биноан қадимдаги қонун тури турли шаклларга бўлингандир. Шу даврда қонун чолғусининг узунчоқ шакли, ёйсимон нусхалари, тўртбурчак

¹¹ И.Ражабов. Мақомлар масаласига доир. Т.; Ўзадабийнашр, 1963 йил, 19 бет.


¹² Т.С. Вызго. Музыкальные инструменты Средней Азии. Москва, 1980-389-бет.

шакллари амалиётда қўлланилган. Бу чолғулар шаклан ҳар хил бўлсада, услубий жиҳатлари, овоз ва ижрочилик имкониятлари бир-бирига жуда ўхшашдир. Қонун турли халқларда турлича аталса-да, униг асоси бир-бирига жуда яқин. Масалан: араб, турк ва озарбайжон халқларида “қонун”, уйғурларда “қалун”, арманларда “канон”, славянларда “гусли”, каралларда “кантелли”, эстонларда “канелли”, латишларда “коклес”, японларда “като”, корейсларда “киягин” номлари билан аталади. Бу чолғулар қонун ва қонунсимонлар тоифасига киради. Улар қадимий Нусха, Қонун, Сантур, Магна каби чолғулардан тарқалганлиги манбаларда келтирилган. Буюк олим Фармернинг Британия музейида сақланаётган қонунлар ҳақидаги рисоласида бу чолғу олхўри дарахти ёғочидан, узум танасидан ясалгани ва узунлиги пастки, яъни йўғон товуш берадиган томони 81 сантиметр, қарама-қарши томони 40,5 сантиметр эканлиги ёзилган. Ўн учта учтадан иборат тори бўлган. Қонун икки қўл бармоқлари ёрдамида чалинган. Бу чолғу асосан Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари сози ҳисобланиб, Туркия, Арманистон, Озарбайжон, Эрон ва бошқа Шарқ мамлакатларида ривожланган. Ўрта Осиё халқлари орасида, хусусан, Бухорода 1917 - йилгача кенг тарқалган. Ҳозирги қонунлар трапециясимон ясси ёғоч қути шаклида ясалмоқда. Қопқоғи ҳам ёғочдан ясалиб, ўнг томонининг озгина қисми, яъни харрак жойлашган жойи тери билан қопланади. 24 – 25 та учталиқ ичак торлари уч октавадан кенгроқ (до-ре кичик октавадан фа диез учинчи октавагача) диапазонга эга. Қулоқлари яқинида торлар остида ҳар бир товушни осонгина ярим тон, бир тон, баъзиларини эса бир ярим тонгача ўзгартириш имкониятини берувчи темир мосламаси бўлади.

Қонун ижрочилик анъанаси халқимиз меросида азал-азалдан мавжуд бўлган. Шу боис қонунни қайта тиклаш унга бўлган қизиқиш, эътибор самаралари эканлигини намойиш этади. Айни пайтга келиб қонун чолғусини ўрганиш таълим жараёнининг барча тизимларида йўлга қўйилди¹³. Қонун чолғуси ижросининг қайта тикланишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурахмон Холтожиевнинг хизматлари бениҳоядир.

Қонун ижроси ўнг ва чап қўлнинг кўрсаткич бармоқларига тақилган махсус нохун (тирноқ) билан тирнаб чалиш орқали амалга оширилади.

Қонуннинг диапазони кичик октаванинг “ре” товушидан учинчи октаванинг “фа” товушигача.



¹³ А.Холтожиев. Анъанавий қонун чолғуси ижрочилиги. Т.; Mashprint ekskluziv MChJ. 2005 й.

ЧАНГ жуда қадимий чолғудир. Бу ҳақда узоқ ўтмишда яшаб, ўлмас асарларни ёзиб қолдирган олимлар ва шоирлар меросида етарлича маълумотлар мавжуд.

Жумладан, Абу Наср ал-Фаробий (873 – 951) “Китоб ал-муסיқий ал-Кабр” (Муסיқа ҳақида катта китоб) рисоласида чолғу асбобларига, хусусан чанг, рубоб, най каби созларга алоҳида ўрин ажратади. Фаробий чанг чолғусининг жўр бўлиш хусусияти ҳақида эслатиб ўтар экан, бу сознинг ҳар хил адабий мажлислар ва тантанавор маросимларда чолғу ансамбли тузилмаларида муваффақиятли қўлланилганини мамнуният билан қайд қилади. Ал Фаробий яратган асарлар унинг замондошлари ва ундан кейинги давр олимларининг муסיқа илми назарияси бўйича илгари сурилган фикрлари ва рисоалари учун асос бўлди. Ибн Сино (980-1037), Умар Хайём (1040–1123), Маъсур Шерозий (1236–1310), Муҳаммад ал-Амулий (тахминан 1354-1355 йил вафот этган), Алишер Навоий (1441-1501), Ал-Ҳусайний (ХВ аср), Мавлоно Кавкабий ҳамда ХВИИИ аср машҳур созандаси ва муסיқий назариётчиси Дарвеш Али Чангий соз ва созандаларнинг ижрочилик санъатини ўз рисоаларида таъриф ва тавсиф этадилар. Юқорида номи тилга олинган йирик муסיқашунос олим, машҳур чангчи, бастакор ва ҳофиз Дарвеш Али Чангий қаламига мансуб «Рисолаи-муסיқий» китобида чанг сози ва созандалари алоҳида қайд этилади.

Олим яшаган даврда (ХВИИ аср) чангда 26 та тор бўлиб, еттита парда мавжудлиги диққатга сазовордир. Чангда ўн икки мақомнинг ҳаммасини мукамал ижро эта билиш Дарвеш Али яшаган ўша даврда ҳам созанданинг юқори даражадаги маҳоратини намойиш этувчи омиллардан бири ҳисобланган. Олим ўз рисоласида чолғучилик санъатида донг таратган Мавлоно Мирек Чангий Бухорий, Мавлоно Зайнулобиддин – Румий каби устозларни ҳурмат билан тилга олади.


Асримизнинг бошларида ўлкамизнинг баъзи шаҳарларида чолғу сози усталари барча асбоблар қатори чанг созининг тузилиши ва ижрочилик имкониятларини кенгайтириш, сифатини яхшилаш йўлида маълум даражада изланганлар. Хоразмда Матёқуб ва Матюсуф Харратовлар, Фарғонада Уста Масаид Марғилоний, Уста Олим Комилов, Наманганда Уста Рўзиматхон Исобоев, Тошкентда Уста Усмон Зупаров ва бошқалар ана шулар жумласидандир.

Эски чанг товушқатори диатоник бўлиб, диапазони унча кенг бўлмаган, яъни “ля-бемол” катта октавадан “ре-бемол” иккинчи октавагача эди. Халқ чолғучиларининг ана шу анъанавий чанги асосида тўлиқ хроматик товушларга эга бўлган янги чанг асбоби 1938-йилда яратилди. Унинг диапазони “до” биринчи октавадан “ре диез” учинчи октавагача бўлган товушларни ўз ичига олади. Бу киритилган янгиликлар натижасида чанг чолғусида ўзбек куйларидан ташқари барча халқларнинг муסיқа асарларини ва композиторлар ижодини ўзлаштиришга имконият яратилди. Чанг чалувчи созандага қулайлик яратиш ҳамда ижро эркинлигини таъминлаш мақсадида чангга ёғочдан учта махсус 82 сантиметрлик оёқлар ўрнатилди. Ижро вақтида чанг садоларини вақти – вақти

билан сўндириб туриш учун педаль механизми билан бошқариладиган демпфер курилмасининг ўрнатилиши натижасида чакқон техник маҳорат билан ижро этиладиган асарларнинг соф садоланишига пухта замин яратилди. Чангда яхши товуш чиқиш–чолғунинг сифатига боғлиқдир, шунингдек, уни сошлашда чолғу торларининг бир хиллигига ва кулоқларининг тенглигига эътиборни қаратиш лозим. Чангда яхши мусиқа ижро этишнинг муҳим шартларидан яна бири, бу чолғу олдида ўтириш ҳолатидир. Чангнинг баландлиги ўтирган ижрочининг кўл тирсагидан ошмаслиги керак. Стулнинг баландлиги ва чанг билан орадаги масофа ижрочининг бўйи ва кўллари узунлигига мос бўлиши керак. Педалдан фойдаланиш техникаси товуш чиқаришни яхшилаш, тозалаш, куйни яхшироқ ижро этиш, арпеджио ва иккиталик ноталарни ижро этиш имкониятини беради. Амалиёт шуни кўрсатадики, товуш жарангининг тембри, чўпларнинг торларга урилган зарбларига боғлиқ. Тўлиқ ва қуюқ товуш чиқариш учун чўплар билан харрактлар устига ўрнатилган чанг торлари орасидаги масофа камида 3-4 см тепаликдан урилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Урма зарб услуби чангда товуш чиқаришнинг асосий ижрочилик услубидир. Чўплар билан торларга урилганда чуқур, тўла товуш чиқиши керак. Зарб қанчалик эркин бўлса, торнинг жаранги шунчалик эркин бўлади.

Чанг чолғусининг оммалашувида машҳур чангчилар: Фозил Харратов, Фахриддин Содиқов, Бахтиёр Алиев, Аҳмаджон Одилов, Рустам Неъматов, Тохир Собиров, Темир Маҳмудов, Фазилат Шукурова, Тилаш Хўжамбердиев ва бошқаларнинг хизматлари бениҳоядир.

Чанг чолғуси диапазони қуйидагича:



ДУТОР Ўзбекистонда кенг тарқалган чолғулардан бири. Дуторда иккита ичак ёки ипакдан қилинган ип бўлиб, бир ярим октава диапазонга эгадир. Дутор асосан ноксимон шаклда ясалади. Тасвирий санъат ёдгорликлари ва ёзма тарихий манбалар ўзбек халқ чолғуларини, жумладан дуторни қадимдан ижро этилиб келинишига гувоҳлик беради. Абу-Наср Муҳаммад Форобий, Абу Али ибн Сино, Абдурахмон Жомий ва бошқа олимлар ўз асарларида дутор ҳақида анча тўлиқ маълумотларни бериб ўтганлар. Дутор икки қисмдан (даста ва коса) иборат бўлиб, бу қисмларни бирлаштирувчи қисми “бўғиз” деб аталади. Дутор косаси ўйма ёки қобирғачаларнинг бирлаштирилишидан ясалиши мумкин. Ўйма дутор Самарқанд, Хоразм ва Туркманистонда кўлланилиб, бир бўлак тут ёғочидан ўйиб ишланади. Қобирғали дутор ҳам тут ёғочидан ишланиб, 8-10 бўлак юпқа тахтача эгиб бирлаштирилади. Коса устига ёпиштириладиган қопқоқ ҳам тут ёғочидан тайёрланади. Одатда, дутор ясаладиган тут ёғочи сояда қуритилади. Дутор дастаси олма ёғочидан қилинади ва унга 13–14 та

ичак парда боғланади. Чолғунинг умумий узунлиги 1200–1300 миллиметрни ташкил қилади. Айрим жойларда 750–800 миллиметрли дуторлар ҳам учрайди. Ипакдан қилинган икки тор кварта (ўрта парда сози), квинта (бош парда сози), унисон (қўш парда сози) ва октава оралиқларига созилади. Бу созлардан кўпроқ қўлланиладигани “Муножот” (квинта) ва “Тановор” (кварта) созларидир. Бу созлар аниқ бир баландликда бўлмай, ижрочи ва ашулачи хоҳишига биноан турлича баландликда созланиши мумкин.

Дутор ансамблда ва якка соз сифатида қўлланилади. Овози паст, майин бўлгани сабабли кўпроқ якканавоз тарзида ҳам қўлланилади. Шунинг учун ҳам махсус “Роҳат”, “Тўрғай”, “Дутор баёти” каби дуторда якка ижро этиш учун мўлжалланган қатор куйлар мавжуд.

Дутор транспозиция қилинадиган чолғулар гуруҳига мансуб бўлиб, ижрода ёзилганига нисбатан бир октава паст эшитилади. биринчи тори биринчи октаванинг “ре” товушига, иккинчи тори кичик октаванинг “ля” товушига соф кварта оралиғида созилади.

I	yozilishi	II	I	eshitilishi	II
					
re		lya kichik oktava	re kichik oktava		lya katta oktava

Дутор алтнинг диапазони биринчи октаванинг “ми” товушидан учинчи октаванинг “ля” товушигача.

5. Камонли чолғулар

ҒИЖЖАК – камонли чолғулар турига киради. Кўриниши ва чалиниши жиҳатдан бошқа ўзбек халқ чолғуларидан фарқ қилади. Ғижжак жуда қадимий чолғулардан ҳисобланади. Айрим манбалар орқали бизга етиб келган маълумотларга қараганда, XV аср Самарқанд рассомчилик мактабида ишланган миниатюраларда тасвирланган дастлабки ғижжаклар икки симли бўлганлиги маълум. Косаси ярим шар шаклида, дастаси узун, от думи тортилган камон билан чалинган. Даста юқорига томон

йўғонлашиб борган. Кейинчалик ғижжакнинг ижро имкониятларини кенгайтириш мақсадида учинчи тор қўшилган. Бу ҳақда машхур олим Фитрат ўзининг “Ўзбек классик мусикаси ва унинг тарихи” номли китобида шундай ёзади: *“Бу ҳам ёй билан чалинадир. Чаноғи Ҳиндистон жавзидир. Тут ёғочидан, маъдандан ҳам ясалса бўлади. Сопи 40 – 42 сантиметр қадар узунликда бир ёғочдир. Чаноқдан тубан 20-23 сантиметр қадар узунликда бир темир куйруғи бор. Чаноғи қалин тери билан қопланадир. Харрак бутун чолғуларга тескари, чаноқнинг юқори томонига қўйиладир, тори учтадир”*.

Уч торли ғижжак диапазони бир ярим октавага яқин бўлган. (тахминан биринчи октава “ми” бемолдан бошлаб). Бобурнинг маълумотларига қараганда, ғижжакнинг учинчи тори XV асрда шуҳрат қозонган ижрочи ва бастакор Қул Муҳаммад Удий томонидан жорий этилган. Уч торли ғижжаклар ҳам кварта

оралиғида созланган. Бу ғижжаклар XX аср бошларигача қўлланилиб келинган. Кейинчалик ғижжакнинг диапазонини кенгайтириш мақсадида тўртинчи, яъни сол тори қўшилди. Созлар квинта оралиғига ўтказилган. Бу чолғу ўзбеклардан ташқари Марказий Осиё ва Кавказ халқлари ўртасида ҳам кенг тарқалган. Ғижжак асосан тут, ёнғоқ ва ўрик дарахтларидан ясалади. Асосан балиқ териси билан қопланади. Ҳозирда ёйсимон камон ўрнига ижро имкониятлари кенгроқ бўлган скрипка чолғуси смичоги ишлатилмоқда.


Созланиши:

1-тор иккинчи октаванинг “ми” товушига, 2-тор биринчи октаванинг “ля” товушига, 3-тор биринчи октаванинг “ре” товушига, 4-тор кичик октаванинг “сол” товушига соланади.


Ишлатиладиган диапазони кичик октаванинг “сол” товушидан, тўртинчи октаванинг “ля” товушигача. Ҳозирда халқ ижрочилари очиқ симларни камроқ ишлатиш ва миллий безак, қочирим, нолаларнинг қўлланилишини осонлаштириш мақсадида ғижжак чалишда кварта созидан кўпроқ фойдаланадилар.

Машхур ғижжакчи созандалардан Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Фанижон Тошматов, Дони Зокиров, Гуломжон Ҳожикулов, Ўлмас Расулов, Мурод Тошмухамедов, Абдуҳошим Исмоилов, Қахрамон Комилов, Турсунбой Жўраев, Аҳмаджон Дадаев, Ўткир Қодиров, Салоҳиддин Азизбоев ва бошқалар эл орасида машхур.

Ғижжак–тўртта тордан иборат чолғу бўлиб, биринчи тори иккинчи октаванинг “ми” товушига, иккинчи тори биринчи октаванинг “ля” товушига, учинчи тори биринчи октава нинг “ре” товушига, тўртинчи тори кичик октава нинг “сол” товушига соф квинта оралиғида соланади.



Ғижжакнинг диапазони кичик октава нинг “сол” товушидан тўртинчи октаванинг “ля” товушигача.



САТО танбурнинг бир кўринишидир. Аввалда оддий танбурдан сато сифатида фойдаланилган бўлса, ҳозирда танбурнинг бироз катталаштирилган ва

кўриниши бироз ўзгартирилган туридан фойдаланилмоқда. Сато ижросида нохун ўрнига ғижжак ва скрипка чолғуларини ижро этишда ишлатиладиган камондан

фойдаланилади. Сатонинг товуши жуда майин ва улуғвордир. Унда асосан мунгли ва оғир куйлар ижро этилади. Сато дутор, танбур чолғулари билан биргаликда ва алоҳида ҳолда яхши эшитилади. Махсус овоз кучайтириш мосламаларисиз катта ансамбль ва оркестрларда ишлатилиши қутилган натижани бермайди. Миллий чолғуларимиз қаторидан жой олган сато камон билан ижро қилинадиган чолғулардан ҳисобланади. Аммо сато нохун билан ижро этилса, танбурга айланади.

Сатонинг тўртта тори бор, торлар куйлар амрида соланади. Сатонинг товуши инсон товушига яқин. Сатодан чиққан наво худди сўзсиз кўшиқдай янграйди.

Сато чолғуси ижрочилари кўпчиликни ташкил этмайди. 1940-1950 - йилларда Муқимий номидаги муסיқали драма театрининг созандаси А.Бараев шу чолғу ижроси бўйича машҳур бўлган бўлса, сатони оммалаштирган, элга манзур қилган машҳур созанда Турғун Алиматовдир. Сато кўҳна чолғулар қаторига кириб, унинг қайта тикланиши муסיқа оламида катта янгилик бўлди.¹⁴

Сатонинг диапазони ҳам танбур билан бир хил бўлади.

yozilishi

I	II	III	IV
sol kichik oktava	sol kichik oktava	re kichik oktava	sol kichik oktava

eshitilishi

I	II	III	IV
sol katta oktava	sol katta oktava	re katta oktava	sol katta oktava

Мавзу бўйича саволлар:

1. Машҳур доирачилардан кимларни биласиз.
2. Дамли пуфлаб чалинадиган чолғуларга қайси чолғулар киради.
3. Қўшнаининг ўзига хослиги, тарихи ҳақида сўзлаб беринг.
4. Қашқар рубоби тарихи, диапазони ва созланиши ҳақида гапириб беринг.

¹⁴ Сато тўғрисидаги маълумотлар А. Лутфуллаевнинг “Халқ чолғуларида ўқитиш услубиёти” Т.; 2005 йил китобидан олинди.

5. Афғон рубобининг тарихига оид кўшимча манбалардан олган маълумотларингиз ҳақида гапириб беринг.
6. Танбурнинг мақом парда тизимларига мослаб созланиши ҳақида тушунса беринг.
7. Тарихий манбаларда Уд чолғулар ичида энг мукаммали дейилган. Чолғунинг қайси жиҳатлари эътиборга олинган.
8. Уд торларининг номланиши қанақа.
9. Қонун чолғуси тарихи ва ижро имкониятлари ҳақида гапириб беринг.
10. Чанг чолғусининг созланиши қанақа.
11. Ғижжак чолғусининг ижро имкониятлари ҳақида гапириб беринг.

Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Тошматов Ў., Туратов С. “Кўҳна чолғулар ижрочилиги” – Т.: Ўқув қўлланма, 2015.
2. Ғапуров М. “Оркестр синфи” - Т.: Ўқув қўлланма, 2011. – 111 б.
3. Жумаев С. “Жамоа ижрочилиги” - Т.: Ўқув қўлланма, 2012. – 84 б.
4. Акбаров И. “Муסיқа луғати” – Т.: Луғат, 1997. – 383 б.
5. Ғапуров М. “Чолғу ижрочилиги” - Т.: Ўқув қўлланма, 2015. – 215 б.

4-мавзу: Ижро техникасини ўстиришда гамма, этюд ва турли машқлардан фойдаланиш.

Режа

1. Нафас учун машқлар.
2. Тил учун машқлар.
3. Бармоқ учун машқлар.

Таянч иборалар:

1. Гамма.
2. Этюд.
3. Фраза.
4. Фразировка.
5. Хордофон.
6. Тембр.
7. Говушқатор.
8. Тўлиқсиз октава.
9. Тўлиқ октава.
10. Тебраниш.
11. Калитлар.
12. Синкопа.
13. Тоналик.
14. Ўлчов.
15. Такт.
16. Диссонанс.
17. Консонанс.
18. Каданс.
19. Плагал.
20. Автентик.

5

Exercise 5 consists of five measures of music in 4/4 time. The first measure starts with a treble clef and a 4/4 time signature. The notes are: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The second measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The third measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fourth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fifth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). Each measure has a 'v' above the first note, and a slur covers the last two notes.

6

Exercise 6 consists of five measures of music in 4/4 time. The first measure starts with a treble clef and a 4/4 time signature. The notes are: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The second measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The third measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fourth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fifth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). Each measure has a 'v' above the first note, and a slur covers the last two notes.

7

Exercise 7 consists of five measures of music in 4/4 time. The first measure starts with a treble clef and a 4/4 time signature. The notes are: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The second measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The third measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fourth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). The fifth measure: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), A4-G4 (half). Each measure has a 'v' above the first note, and a slur covers the last two notes.

8

Musical notation for exercise 8, measures 1-5. The notation is in 4/4 time and treble clef. It consists of five measures, each containing a pair of eighth notes beamed together. The notes in each measure are: (1) G4, A4; (2) A4, B4; (3) B4, C5; (4) C5, B4; (5) A4, G4. Each pair of notes is marked with a 'v' above the first note and a slur above both notes.

9

Musical notation for exercise 9, measures 1-5. The notation is in 4/4 time and treble clef. It consists of five measures, each containing a pair of eighth notes beamed together. The notes in each measure are: (1) G4, A4; (2) A4, B4; (3) B4, C5; (4) C5, B4; (5) A4, G4. Each pair of notes is marked with a 'v' above the first note and a slur above both notes.

10

Musical score for exercise 10, measures 1-5. It consists of five staves of music in 4/4 time. The first staff starts with a treble clef and a 4/4 time signature. The notes are: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), C5 (quarter), B4 (quarter), A4 (quarter), G4 (quarter), F4 (quarter). The second staff continues with: E4 (quarter), D4 (quarter), C4 (quarter), B3 (quarter), A3 (quarter), G3 (quarter), F3 (quarter), E3 (quarter). The third staff continues with: C3 (quarter), B2 (quarter), A2 (quarter), G2 (quarter), F2 (quarter), E2 (quarter), D2 (quarter), C2 (quarter). The fourth staff continues with: B1 (quarter), A1 (quarter), G1 (quarter), F1 (quarter), E1 (quarter), D1 (quarter), C1 (quarter), B0 (quarter). The fifth staff continues with: A0 (quarter), G0 (quarter), F0 (quarter), E0 (quarter), D0 (quarter), C0 (quarter), B0 (quarter), A0 (quarter). Each measure has a 'v' above the first note, and each pair of notes is connected by a slur.

11

Musical score for exercise 11, measures 1-5. It consists of five staves of music in 4/4 time. The first staff starts with a treble clef and a 4/4 time signature. The notes are: G4 (quarter), A4 (quarter), B4 (quarter), C5 (quarter), B4 (quarter), A4 (quarter), G4 (quarter), F4 (quarter). The second staff continues with: E4 (quarter), D4 (quarter), C4 (quarter), B3 (quarter), A3 (quarter), G3 (quarter), F3 (quarter), E3 (quarter). The third staff continues with: C3 (quarter), B2 (quarter), A2 (quarter), G2 (quarter), F2 (quarter), E2 (quarter), D2 (quarter), C2 (quarter). The fourth staff continues with: B1 (quarter), A1 (quarter), G1 (quarter), F1 (quarter), E1 (quarter), D1 (quarter), C1 (quarter), B0 (quarter). The fifth staff continues with: A0 (quarter), G0 (quarter), F0 (quarter), E0 (quarter), D0 (quarter), C0 (quarter), B0 (quarter), A0 (quarter). Each measure has a 'v' above the first note, and each pair of notes is connected by a slur.

12

13

14

15

Тил учун машқлар

1

2

3

4

5

6

7

8

9



19 *ту-ку-ту-ку*

20 *TY - KY - TY KY - TY - KY*
TY - KY - TY KY - TY - KY

Бармоқлар учун машқлар

1

The image shows a musical exercise for fingers, consisting of eight staves of music. Each staff contains four groups of three notes (trios) beamed together and marked with a '3' below them. The notes are quarter notes. The exercise starts on a middle C and ascends stepwise through the first octave, then descends stepwise back to middle C. The eighth staff concludes with a final triplet of notes.

2

The image shows a piano exercise in 4/4 time, consisting of eight staves. Each staff contains four measures of music, with each measure featuring a triplet of eighth notes beamed together and a slur above them. The notes in each triplet are G4, A4, and B4. The first staff is marked with a '2' at the beginning. The eighth staff concludes with a double bar line.

3

The image shows a musical score for three staves in 2/4 time. The first staff begins with a triplet of eighth notes, indicated by a '3' above the staff. The music consists of continuous eighth-note patterns with slurs and accents. The second and third staves continue the melodic lines, with the third staff ending with a double bar line.

4

The musical score consists of seven staves of music, all in treble clef and 2/4 time. The first staff begins with a treble clef and a 2/4 time signature. The music is a single melodic line featuring eighth and sixteenth notes, many of which are beamed together and have accents. The piece concludes with a double bar line at the end of the seventh staff.

5

The image shows a musical score for a piano exercise. It consists of seven staves of music, all in treble clef and 2/4 time. The first staff is numbered '5'. The music is a continuous eighth-note pattern, starting on a middle C and moving up and down the scale. Each eighth note is beamed together, and the groups of notes are slurred. The pattern is: C4, D4, E4, F4, G4, A4, B4, C5, B4, A4, G4, F4, E4, D4, C4. This sequence is repeated across the staves. The seventh staff ends with a final note (C4) and a double bar line.

6

The image shows a musical exercise labeled '6' in the top left corner. It consists of seven staves of music, all written in a treble clef and a 2/4 time signature. The music is a continuous eighth-note exercise. Each staff begins with a slur over the first two notes, followed by a series of eighth notes with accents. The pattern repeats across the staves, with some variations in the final notes of the staves. The first staff has a double bar line after the first measure. The second staff has a double bar line after the second measure. The third staff has a double bar line after the third measure. The fourth staff has a double bar line after the fourth measure. The fifth staff has a double bar line after the fifth measure. The sixth staff has a double bar line after the sixth measure. The seventh staff has a double bar line after the seventh measure.

7

The image shows a musical score for a piece in 2/4 time, starting at measure 7. The score consists of seven staves of music, each containing a series of eighth-note chords with slurs and accents. The chords progress through various intervals, including thirds, fourths, and fifths, creating a rhythmic and harmonic pattern. The final measure of the seventh staff ends with a double bar line.

8

Musical score for a piece in 2/4 time, starting at measure 8. The score consists of seven staves of music, each containing a series of eighth-note patterns with slurs. The first staff is marked with the number 8. The music is written in treble clef and 2/4 time. The patterns consist of eighth notes, often beamed in pairs or groups, with slurs indicating phrasing. The piece concludes with a final note on the seventh staff.

9

The image displays a musical score for six staves, all in treble clef and 2/4 time. The score begins with a measure number '9'. Each staff contains a continuous eighth-note pattern, with notes grouped by slurs. The pattern starts on a middle C (C4) and ascends stepwise through the scale to G4. The first three staves show the pattern ascending from C4 to G4. The fourth staff shows the pattern ascending from G4 to D5. The fifth staff shows the pattern ascending from D5 to A5. The sixth staff shows the pattern ascending from A5 to E6, followed by a final measure containing a single quarter note G5, indicating the end of the piece.

10

The image shows a musical score for a piece in 2/4 time, starting at measure 10. The score is written on six staves, each containing four measures of music. The music is written in treble clef and features a complex, rhythmic melody with many beamed eighth and sixteenth notes. The piece concludes with a final measure on the sixth staff.

Мавзу бўйича саволлар:

1. Нафас олиш йўллари.
2. Нафас олиш устида ишлашнинг қандай йўллари биласиз.
3. Бармоқлар техникасини ўстириш учун қандай машқлардан фойдаланасиз ?
4. Апликатура устида қандай ишланади ?
5. Штрихлар устида қандай ишланади ?
6. Этюд нима ?
7. Гаммаларнинг хусусиятлари.

Мавзу бўйича адабиётлар рўйхати:

1. Вахромеев В. Музиканинг элементар назарияси – Т.: Ўқув қўлланма. 1980.- 223 б.
2. Йўлдошев Т. Уд дарслиги. - Т.: Дарслик. 2008. – 346 б.
3. Одилов А. “Чанг” - Т.: Ўқув қўлланма, 2002. – 285 б.
4. Раҳимов Ш. Чолғу ижрочилигига ўргатиш методикаси. - Т.: Ўқув қўлланма, 2009. – 224 б.
5. Усмонов Қ. “Рубоб дарслиги” - Т.: Дарслик, 2004. – 312 б.
6. Шарипов Н. “Рубоб примада ижро этишни ўрганиш методикаси” - Т.: Дарслик, 2002. – 295 б.
7. Акбаров И. “Муסיқа луғати” - Т.: Луғат, 1997. – 383 б.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

Маърузадан сўнг режалаштирилган дастлабки тўртта мавзу бўйича амалий машғулотлар маъруза машғулотининг мавзуси асосида ташкил этилади. Бунда тингловчилар мустақил равишда, шунингдек педагог томонидан таклиф этилган йўналиш бўйича амалий топшириқларни бажарадилар. Топшириқ ёзма, савол-жавоб тарзида ёки амалий ижро ёки бошқа шаклда бажарилиши мумкин.

Назарий таълим режалаштирилмаган амалий машғулотлар қуйи келтирилган режалар асосида ташкил этилади. Амалий машғулотлар тингловчиларнинг таклиф этилаётган мавзуга бўлган муносабатини ёзма, оғзаки жавоб ёки амалий ижро кўринишларида ифода этишлари учун имкон яратиши кўзда тутилган. Амалий машғулотлардаги режалаштирилган масалалар педагог томонидан махсус тайёрланган тарқатма материаллар, ёзма манбалар, қўшимча воситалар, шунингдек мусиқа чолғуларидан амалий фойдаланиш орқали тингловчиларнинг фаоллигини ошириш учун хизмат қилиши керак.

Мавзу: Ижро малакаларини ўстиришда репертуар танлаш ва талабаларга яқка ёндошув масалалари. (2 соат)

Режа

1. Репертуар танлаш.
2. Репертуар танлашда талабаларга яқка ёндошув.
3. Репертуар таркибий қисми.

Мавзу: Ижро малакаларини ўстиришда замонавий ахборот воситалари, аудио ва видео ёзувлардан фойдаланиш йўллари. (2 соат)

Режа

1. Замонавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш.
2. Аудио ёзувлардан фойдаланиш.
3. Видео ёзувлардан фойдаланиш йўллари.

ГЛОССАРИЙ

A tempo – дастлабки суръатда

Aksent – лот. урғу, таъкидлаш, бирор товуш ёки аккордни қаттиқ чалиш.

Arko (ит. арко – камон билан чалиш) – писсикато йўли билан чалингандан сўнг камон билан ижрога ўтиш.

Asar, ijod – 1. Композитор яратган мусиқа асари. 2. Айрим мусиқа асарларининг кўрсатилиши, яъни рақамлар билан ёзиб бориш. Буни қисқартирилган (соч.) ҳолда кўпроқ лотинча опус сўзи билан (одатда қисқартириб – оп.) ёзилади. Ҳар бир композитор ўз асарининг яратилишини номерлаб боради.

Bastakor (форс – тожикча баста – боғлов, кор – иш, машғулот) – монодия услубида асар (асосан, қўшиқ, ашула, чолғу куйи)лар яратувчи ижодкор.

Moderato – ўртача суръатда.

Pizz. – тирнаб ижро этиш.

Ritenuto – суръатни секинлаштириб бориш.



Fermata – нота ва паузаларнинг чўзим миқдорини исталганича чўзиш.

Shtrix – чолғуларда ижро жараёнида қўлланиладиган турли зарблар, масалан: легато, стакатто, деташе, спикаато, тремоло...

Volta (ит. вольта - вольта) – бир нота ёзувида мусиқа асарининг маълум қисмини қайта такрорлашда турлича тугатиш учун қўйиладиган белги. Қайтариладиган қисмнинг тугалланиши ҳар сафар турлича бўлиши мумкин. Бундай ҳолда, тугалланишда ўзгартириладиган ноталар устига 1, 2 рақамлари қўйилади. Бу “биринчи такрор учун”, “иккинчи такрор учун” деган маънони англатади.

Мусикий асар ижросининг бадиийлиги ва таъсирчанлигини оширишда товушлар кучини ўзгартириш, яъни товушларни паст ёки баланд (секин ёки қаттиқ) ижро этиш даражасини билдирувчи белгилар *динамик туслар* деб аталади. Динамика юнонча *динамисос* сўзидан олинган бўлиб, кучли деган маънони англатади.

Биз ноталар остида *pp, p, mp, mf, f, ff, dim., cresc.* каби белгиларни учратамиз. Буларнинг барчаси динамик тусларнинг қисқартирилган шаклидир. Уларнинг тўлиқ ёзилиши, ижроси ва таржимаси қуйидагича:

- *pp* – пианиссимо (пианиссимо) – жуда паст;
- *P* – пиано (пиано) – паст;
- *mp* – меццо пиано (меццо пиано) – ўртача паст, пианога нисбатан бироз кучлироқ;
- *mf* – меццо форте (меццо форте) – ўртача кучли, меццо пианога нисбатан бироз кучлироқ;
- *f* – форте (форте) – кучли;
- *ff* – фортессимо (фортессимо) – жуда кучли;
- **cresc., crescendo** (крешендо) ёки  (чизма шакли) белгиси аста-секин товушни кучайтириб боришни кўрсатади.
- **dim., diminuendo** (диминуэндо) ёки  (чизма шакли) белгиси – товушни аста-секин пасайтириб боришни кўрсатади.

Баъзи бир ҳолларда ноталарда қуйидаги белгиларни учратиш мумкин:

- *ppp* (пиано-пианиссимо ёки пианиссисимо) – жудаям паст;
- *fff* (форте-фортиссимо ёки фортиссисимо) – жудаям кучли;
- *sf* – сфорзандо (сфортсандо) белгиси бирор-бир нота ёки аккордни кескин зарб билан ажратиб ижро этилишини кўрсатади.

Баъзи бир ҳолларда гресс. белгисидан олдин *росо а росо* (поко а поко) сўзлари қўйилади. Албатта бу сўзлар бошқа белгилар олдида ҳам ишлатилади. Бу товушни нафақат аста-секин кучайтириб боришни, балки уни пасайтиришни, асар суръатини тезлаштириш ёки секинлаштиришни ҳам англатади.

Диминуэндо белгиси ўрнига баъзида *morendo* (морендо) ёки *smorzando* (сморсандо) – сўзи ишлатилади. Бу сўзлар нафақат товуш кучини сўндириб

боришни, балки суръатни ҳам секинлаштириб боришни билдиради.